| | | | |
|---|---|---|---|
| ОЛИС СЎХНИНГ ФИДОЙИ ПОСБОНЛАРИ **4** | «УНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ РАҚС ТУШАЁТГАНГА ЎХШАРДИ» **5** | ҲИДЛАР ЖИНОЯТНИ ФОШ ЭТАДИ **12** | ВАС ЖДУТ ДОМА! **15** |


Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
23-yanvar
payshanba

№ 4 (4442/4360)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


Ҳар куни, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-пок бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



## ЮРТ ИШҚИДА ЁНИБ ЯШАМОҚ ДАРКОР

**Ватанни севиш – инсон қалбида илоҳий қудрат билан пайдо бўладиган туйғу. Ватан аждодлардан авлодларга қолдириладиган дахлсиз, бебаҳо мерос.**

3



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПОЧИН

## Гражданин КНР – обладатель вида на жительство

**Надеемся, что этот ответственный и почетный почин станет традиционным среди зарубежных бизнес-партнеров, осуществляющих деятельность в Узбекистане и вносящих немалый вклад в развитие экономики страны.**

11

ОБРАЗЦОВЫЙ РЕГИОН

## ВНИМАНИЕ К ЖЕНЩИНЕ – ВНИМАНИЕ К БУДУЩЕМУ



6–7

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

*Қонунлар кучли бўлган жойда, халқ ҳам, албатта, кучли бўлади.*

* * *

*Сизни ким деб билишлари эмас, аслида кимлигингиз муҳим.*

* * *

*Роҳатга меҳнат орқали эришилади.*

* * *

*Ғолибларнинг яралари оғримайди.*



Публилий СИР,
Қадимги Рим шоири.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ДЎСТОНА РУҲДА ЎТДИ

**Жорий йилнинг 17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов ва Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Даниэль Розенблум ўртасида учрашув бўлиб ўтди.**

Очиқ мулоқот ва дўстона руҳда ўтган учрашувда генерал-лейтенант П.Бобожонов элчи жанобларини билан учрашишдан мамнун эканлигини билдириб, икки дўст мамлакат ўртасидаги яқин муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари учун унга миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май ойида АҚШга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиққанлиги, бу бевосита минтақадаги хавфсизлик, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Мулоқот чоғида генерал-лейтенант П.Бобожонов меҳмонга мамлакатимиз ички ишлар органларининг кенг қамровли фаолияти, тизимда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича сўзлаб берди. Хусусан, сўнгги уч йил давомида Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг бир қисми сифатида ички ишлар органлари тизимида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида бутунлай янгича ёндашувлар асосида иш олиб борилаётгани, бунинг самараси ўлароқ, шу давр мобайнида мамлакатда содир этилган жиноятлар кўрсаткичи учдан икки қисмга камайганлиги Даниэль Розенблумда илиқ таассурот қолдирди.

– Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар 100 минг кишига нисбат олганда дунё миқёсида жиноят энг кам содир этиладиган мамлакатлардан биридир, – деди Ички ишлар вазири. – Жаҳон миқёсида ўрганиш ва сўровномалар ўтказадиган бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган рейтингларда Ўзбекистоннинг энг хавфсиз мамлакатлар қаторида қайд этилгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Даниэль Розенблум ҳам самимий қабул ва дўстона суҳбат учун ўз миннатдорлигини билдирди ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлардан оммавий ахборот воситалари ҳамда ўз кузатишлари орқали хабардор эканлигини таъкидлади.

Ўзаро суҳбат жараёнида уюшган жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг дунё бўйлаб тарқалиши каби инсоният учун таҳдид солиб турган хавфларга қарши биргаликда курашиш бўйича атрофлича фикр алмашилди. Билдирилган таклифлар, фикр ва мулоҳазалар келгусида икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг янада яқин ҳамкорлик ўрнатишлари учун хизмат қилишига ишонч билдирилди.

**Санжар ҚУРБОНМУРОТОВ**
**«Postda» мухбири.**

УЧРАШУВ

# ЁШЛАР МАСАЛАСИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. Худайбергенов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида бўлиб, ёшлар билан учрашув ўтказди. Амударё туманида ўтказилган учрашувлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Р. Хатамов тумандаги ёшлар спорт мажмуасига қарашли сузиш бассейни ва кураш залига бориб, спортчи ёшлар билан учрашди. Учрашув чоғида уларнинг муаммолари билан танишиб, фикрларини тинглаб, келгусида етук спортчилар бўлиб етишишлари бўйича тавсиялар берди. Учрашувлар давомида туманда истиқомат қилувчи 16 ёшга тўлган 5 нафар ёшга фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.**

Амударё туманида ёшлар билан учрашувда полковник Р. Хатамов кейинги уч йилда Президентимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор ҳақида гапириб, спорт соҳасида туманда юқори натижаларга эришган ёшлар мисолида бошқаларни тенгдошларидан ўрнак олиб, яратилган шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз устида ишлашга даъват этди.



Сафар давомида 6 нафар йигит-қизнинг ишга кириш бўйича қилган мурожаатлари шу жойнинг ўзида туман бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан ижобий ҳал этилди. Тумандаги «Хитой» овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Д. Ҳайитбоев овул ҳудудида футбол майдончаси қурмоқчи эканлигини айтди. Шу мақсадда кредит ва ер олиш муаммо бўлаётганини баён қилди. Унинг мурожаати шу жойнинг ўзида ўрганиб чиқилиб, фуқаро Д. Ҳайитбоевга кредит ва ер майдони ажратиш бўйича мутасадди раҳбарларга топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Беруний тумани «Ёшлар маркази»га қарашли Ахборот-ресурс марказидаги тадбир ёш ҳунармандларнинг кўргазмаси билан бошланди. Марказдаги мулоқотлар ҳам самимий руҳда ўтиб, ёшларга бадиий китоблар жамланмаси тақдим этилди. Шундан кейин «Шаббоз бобо» масжиди атрофини ободонлаштириш мақсадида «Фидокор ёшлар» отряди аъзолари билан биргаликда ҳашар ташкил этилиб, турли манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Бу каби тадбирлар Элликқалъа ва Тўрткўл туманларида ҳам ўтказилиб, Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р. Хатамов томонидан ўқувчи ёшларга эсдалик совғалари, бадиий китоблар, ёш спортчиларга спорт кийимлари ва анжомлари топширилди. Тўрткўл туманидаги Ибн Сино номли маҳалла аҳолисининг мактабга олиб борувчи йўлларнинг нотекислиги ҳақидаги мурожаати шу ернинг ўзида ҳал қилиниб, 300 метр йўлга шағал ёткизилиб, текислаш ишлари олиб борилди.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

ДАВРА СУҲБАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

# ҲАҚИҚИЙ НАЗОРАТНИ ХАЛҚ АМАЛГА ОШИРАДИ

Давра суҳбатида дастлаб Олий суд раиси ўринбосари И.Муслимов сўзга чиқиб, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган тарихий ўзгаришлар ва ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш орқали Конституцияда мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда кафолатлаш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов таъкидлаганидек, бу йил жаҳон ҳамжамияти 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган суд органлари мустақиллиги асосий тамойилларининг 35 йиллигини ҳамда юристлар ролига оид асосий тамойилларнинг 30 йиллигини нишонламоқда. Одил судлов соҳасидаги халқаро стандартларни миллий амалиётга татбиқ этиш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси доирасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда ва судлар мустақиллигини кучайтириш чоралари кўрилмоқда. Бироқ олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар кўплиги кундек равшан. Уларни очиқлик билан муҳокама қилишимиз ва биргаликда ечим топишимиз лозим бўлади.

Давра суҳбатида фуқароларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи дахлсиз ва ҳар доим давлат ҳимоясида экани алоҳида қайд этилди. Келгусида тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини қонунга хилоф равишда чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, Бизнес-омбудсманга тадбиркор манфаати учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш тартиби ўрнатилади.

Тадбир сўнгида БМТнинг Қийноқларга ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши конвенцияси қоидаларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг Бешинчи даврий маърузаси бўйича БМТ қўмитасининг қийноқларга қарши ишида мамлакатимиз делегацияси иштирокига бағишланган тақдимоти бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

ВАТАНПАРВАРЛИК

# ЮРТ ИШҚИДА ЁНИБ ЯШАМОҚ ДАРКОР

Ҳамид Олимжоннинг уруш даври лирикасига мансуб «Шинель» шеърида аскар йигит қонли жанггоҳлар ичида, қору ёмғирда, аччиқ аёзда, совуқ ботқоқда уни бир яқин дўстидек асраган шинелига қарата шундай дейди:

**Лекин сени устимга**
**Катта бир ғам кийгизди.**
**Синглим, қариндошларим,**
**Отам, онам кийгизди.**

Эътибор беринг-а, аскар йигит Ватан ҳимояси, юрт тақдири учун устига олган шинелини сени синглим, қариндошларим, отам, онам кийгизди, деяпти. Демак, Ватан ҳимояси – эл-юрт ҳимояси, сингил, опа, қариндош, ота-она ор-номуси ҳимояси.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек халқининг яна бир ардоқли шоири Абдулла Орипов «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган саволни қўйган эди.

**Хўш, нечун севаман**
**Ўзбекистонни?**
**Сабабини айтгин десалар менга,**
**Шоирона гўзал сўзлардан олдин**
**Мен таъзим қиламан**
**она халқимга.**



деган мисралар орқали шоир Ўзбекистон аталмиш юрт тимсолида, Ватан қиёфасида бутун бир она халқини, миллатдошлари, элдошларини севишини, эъзозлашини баралла куйлаган эди.

Ҳар иккала шоир тафаккури бир ўринда туташади. Ҳар иккала ижодкор ҳам бир ўринда мутлақ ҳақ. Халқ, миллат тушунчаси мангуликка Ватан билан жуфт ва ёндошдир. Имонли инсон Ватанни жон қадар севади, уни ўз ор-номуси қадар юксак тутади. Ватан ҳар биримиз кўз очиб кўрган дунё, биз тетапоя бўлиб вояга етган маъво. Болалик ҳайратларимизга сабаб бўлган, ўсмирлик шўхликларимиз, ўйинқароқликларимизни бағрига сиғдира олган, етуклик ёшимизнинг меҳру муҳаббатига сазовор Ватан тоғу тошидан ер-сувигача, сабза гиёҳидан дов-дарахтигача умримизга жон қадар пайванд.





Ватанни севиш – инсон қалбида илоҳий қудрат билан пайдо бўладиган туйғу. Ватан аждодлардан авлодларга қолдириладиган дахлсиз, бебаҳо мерос.

Шу ўринда Турк хоқони Метехон ҳақидаги ҳикояни ёдга олгимиз келди.

Турк хоқонлари силсиласида ўз баркамоллиги билан қадрланган Метехон ортиқча қон тўкмаслик, элу юрт тинчлигини бузмаслик учун душман тараф хоқони билан келишишга ҳаракат қилибди. Бир соатда минг фарсах йўл босадиган севимли отини талаб қилишади. Азбаройи юрт осойишталиги учун Метехон отидан воз кечибди. Аммо душман уруш очиш учун тинимсиз баҳона изларди. Кейинги гал севган ёрини талаб қилибди. Жами беклар, қўшин бошлиқлари ориятдан ҳайқирибди. Метехонни уруш очишга даъват қилишибди. Хоқон босиқлик билан уларни тинчитиб, «Мен юртимни муҳаббатим учун қурбон қила олмайман!» дебди ва бу гал ҳам душман талабига рози бўлибди. Душман тараф Метехон ҳузурига яна элчисини жўнатибди. Бу гал Метехон хоқонлиги сарҳадига қарашли яйдоқ, қақроқ ердан бир парчагина сўрабди. Беклар, қўшин бошлиқлари ерни бериб қаттол душмандан қутулишни тавсия қилибди. Бу сафар Метехон кўкрагидан ўқ еган арслондек ларзага келибди: «Ватан бизнинггина мулкимиз эмас, мозорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган набираларимизнинг бу муқаддас тупроқда ҳақлари бор. Ватан бермоққа ҳеч бир кишининг ҳаққи йўқдир, энди жанг қиламиз. Менинг ортимдан олға, бўйин товлаганларга ўлим!» дебди.

Назаримда, кўҳна ва олис мозий Метехон каби шердил хоқонлар, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Мирзо Бобурлар кўз қорачиқларига айланиб биздан Ватан қадру қимматини сўраб тургандек.

Муборак 75 ёшида Ватан мудофаасига отланиб, бир неча мўғулни ер тишлатиб, ўзи ҳам душман найзасидан ярадор бўлиб йиқилаётган Шайх Нажмиддин Кубро душман байроғини чангаллаб жон берган экан. Шайхнинг қўлидан байроқни ўн забардаст йигит ҳам чиқара олмаган экан.

Беихтиёр яна бир буюк ватанпарвар, элпарвар мутафаккиримиз Ҳазрат Алишер Навоийнинг деганлари ёдимизга келади:

**Аёнким, Ватан узра то жони бор,**
**Киши ҳарб этар токи имкони бор.**

Дунё аҳлини лол қолдирадиган буюк ўтмишимиз, шонли тарихимиз, маданият, адабиёт, санъатимиз, қадрияту анъаналаримиз ана шундай сўзи ва иши, аъмоли ва амали бир аждодларимиз экиб кетган ниҳолларнинг мевасидир.



Барчага бирдек аён: мустақиллик – буюк ҳуқуқ. Уни қадрламаган, мазмун-моҳиятини англамаган, уни мустаҳкамлашга бел боғламаган халқ бундай олий неъматга муносиб эмас.



Шу маънода, ҳар бир ходимимизда мустақил юртимизни ҳимоя қилиш, унинг сарҳадларини дахлсиз сақлаш, Ватан ободлиги ва фаровонлигини оширишда масъулият ҳиссини юксалтириб бориш зарур. Бу соҳада ҳам, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аждодларимиз иймон-эътиқоди, шижоати бизга ҳамиша ибратли сабоқдир.



Ватан, ватанпарварлик, шахс масъулияти ҳақида гап кетганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: «Ватанпарвар инсонгина Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлигига хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бағишлайди, ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади» деган сўзларини эслагимиз келади.

Эътибор берсак, Юртбошимиз ҳар бир шахс ва Ватан камолоти бир-бирига уйғун ҳолда юксалиш тарафдори. Ўзининг маънавий камолотини тарбиялаб бораётган шахс, аслида, бир пайтнинг ўзида ўз юрти, халқи, Ватани истиқболи учун ҳам жон куйдираётган бўлади.

Президентимизнинг ташаббуси, шахсий ибрати билан «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган олижаноб даъват мамлакатимизда бугунги кунда қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётгани барчага аён. «Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши лозим, халқ – давлатнинг асосий манбаи», деган фикрларида ҳам куюнчак юрт отасининг ўз фуқароларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати ётади.

Беихтиёр, савол туғилади: шунча саъй-ҳаракатлар, мамлакатимиз бўйлаб барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, туб ўзгаришлар, ўз навбатида, одамларимизнинг, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзини ватанпарвар деб биладиган ҳар бир фуқаронинг қалбида, юрагида тўлқин кўтариши керак эмасми?!

Демакки, Президентимиз назарида мамлакатимизда ҳар бир инсон юрт узра кенг қулоч ёяётган юксалишлар, ўсишларга жавобан ўз қалбидаги энг эзгу, хайрихоҳ, яратувчилик туйғуларини уйғотиши, истеъмолчи томошабин эмас, иштирокчи ислоҳотчига айланиши лозим.

Ватанпарварлик туйғусини тарбиялашдан мақсад ҳам жамиятда юқори ижтимоий фаолликни, фуқароларнинг, айниқса, мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари ходимлари, ҳарбий хизматчилари, тингловчи ва курсантларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, уларда мардлик, жасурлик, садоқат, фидойилик ва ҳалоллик каби инсоний фазилатларни қарор топтириш ҳамда Ватан манфаатлари йўлида виждонан хизмат қилишга сафарбар этишдир.

Бугун улкан янгиланишлар йўлида миллий юксалиш сари дадил одимлаётган янги Ўзбекистон фарзандлари боболар кўтарган шонли юрт байроғини янада баланд тутмоғимиз, Ватан деган муқаддас тушунчани юракларга жойлаб, юрт ишқида ёниб яшамоғимиз даркор.

**Ғайрат ҚОДИРОВ,**
**Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор.**
*(ЎзА).*

**Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.**
Г. ГЕГЕЛЬ.

ЧЕГАРА ҲУДУДЛАРДА

# ОЛИС СЎХНИНГ ФИДОЙИ ПОСБОНЛАРИ



**Сўх – Фарғона вилоятининг чекка туманларидан бири. Пурвиқор тоғлар билан туташган бу манзилга бориш учун қўшни Қирғизистон орқали қарийб 60 чақиримдан зиёд масофани босиб ўтиш керак.**



Бугун олис Сўх халқи ҳам юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан ҳамнафас ҳаёт кечирмоқда. Туманда янги-янги иншоотлар қад ростлаяпти, тадбиркорлик ривожланяпти, аҳолининг турмуш даражаси юксалмоқда.

Тоғларга туташ бу манзилда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини «иссиқ изида» фош этишда туман Ички ишлар бўлими шахсий таркиби томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътироф этишга арзийди.

– Бу ерда ишлашнинг ўзига хос масъулияти, машаққати ва шарафли томонлари бор, – дейди туман ИИБ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Боқижон Пирназаров. – Шахсий таркибимиз ўз касбига садоқатли, қасамёдига содиқ, фидойи ходимлардан иборат. Улар зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти. Шу боис туман аҳолисининг ички ишлар органлари ходимларига ҳурмати беқиёс, ишончи юксак.

Туманда ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган бўлиб, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли муаммоларини бартараф этиш, қўшни Қирғизистонга қарашли аҳоли пунктлари билан ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувликни мустаҳкамлаш борасида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари, профилактик тадбирлар эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, 2019 йилда туманда фирибгарлик, ўғрилик, безорилик, енгил тан жароҳати етказиш каби жиноят турлари, шунингдек, оғир жиноятлар, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сезиларли камайишига эришилди. 10 та маҳаллада эса жиноят умуман қайд этилмади.

Туман ИИБ бошлиғи, подполковник Саидбахром Сайдмусаев бошчилигидаги 3-сектор томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик.

Аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида алоҳида сектор бўйича ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га асосан, манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хушёр, Себзор, Қақир, Қизилқиёқ ва Шарқобод маҳаллаларидан таркиб топган 3-сектор ҳудудида 2520 та хонадон мавжуд бўлиб, 13829 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ҳудудда 5 та мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та тиббиёт муассасаси ва 194 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатади.

Сектор раҳбари ва ишчи гуруҳ аҳоли хонадонларига бирма-бир кириб, одамларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўтган 2019 йилда амалга оширилган тадбирлар натижасида 1472 нафар фуқаро, 25 та юридик шахснинг муаммолари жойида ҳал қилинди.

Туман ИИБ бошлиғи раҳбарлигида маҳаллаларда 48 марта сайёр қабуллар ташкил этилди. Ушбу қабулларда 429 нафар фуқаро томонидан 453 та муаммо ўртага ташланди. Уларнинг 353 таси бартараф этилиб, 48 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. 10 та ҳал этилмаган муаммонинг ижроси учун муддат белгиланиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, 91 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 100 нафарга яқин фуқарога моддий ёрдам, 8 кишига ногиронлар аравачаси берилди.

Аҳоли билан бевосита мулоқот жараёнида тушган мурожаатларга асосан, 3000 метрдан ортиқ масофага ичимлик суви тармоғи тортилиб, 1396 та хонадонга оби ҳаёт олиб кирилди. Маҳаллалардаги 2400 метр масофадаги кўча асфальт қилинди, 12 950 метр йўлга эса шағал ёткизилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича аҳолини тадбиркорликка йўналтириш мақсадида 128 нафар шахсга 1 миллиард 99 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу маблағларни олган фуқаролар чорвачилик, паррандачилик, тикувчилик, асаларичилик йўналишларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Кўплаб фуқаролар эса иссиқхона ташкил этиб, оилавий даромад манбаига эга бўлди.

Ҳудудда ижтимоий аҳволи оғир бўлган 312 нафар хотин-қиз аниқланиб, уларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди. Уларнинг 211 нафари ишга жойлаштирилди, 50 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди, тўрт нафарига имтиёзли уй-жой учун ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ажрим ёқасига келиб қолган 18 та оила эса яраштирилди.

Туман Ички ишлар бўлими ходимлари ва сектор ишчи гуруҳининг халқ билан бу каби яқинлиги, олиб борилаётган кенг қамровли профилактик ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, 2019 йил давомида 3-сектор ҳудудида биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

– Ҳар қандай одам яхши яшаса, уйида, маҳалласида муаммо бўлмаса, ҳаётдан рози бўлади, – дейди туман ИИБ ташкилий бўлинмаси бошлиғи, капитан Феруз Исақов. – Одамларни бугун рози қилиш эса давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган халқпарвар сиёсатнинг бош мақсадидир. Ҳаётдан розилик бор жойда жиноят ҳам, ҳуқуқбузарлик ҳам содир бўлмайди. Биз ҳам ана шу эзгу мақсадда меҳнат қиляпмиз.

**Абдувосит СИДИҚОВ, «Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*



**Оқил дўсти бўлган кишининг кўзгуга эҳтиёжи йўқ.**

*Жалолиддин РУМИЙ.*

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# «УНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ РАҚС ТУШАЁТГАНГА ЎХШАРДИ»



**Аёл кишига азалдан гўзаллик тимсоли дея қаралади. Аммо эл-юрт осойишталигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фидойилик кўрсатаётган хотин-қизлар ҳам талайгина. Ички ишлар органларида узоқ йиллар хизмат қилиб, ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга кузатилган бир қанча аёллар ҳозирги кунда ёшларга ўрнак бўлиб келяпти.**

Ўтган асрнинг 70-йилларида аввал тажриба тариқасида пойтахтда йўлларни тартибга солиш учун хотин-қизлар бўлинмаси тузилган эди. Аёллар керакли кўникмаларни тез ўзлаштириб, марказий кўчаларда транспорт оқимини тартибга сола бошлади. Йўл ҳаракатини хушмуомалалик, аммо талабчанлик ва қаттиқўллик билан бошқараётган хотин-қизлар орасида кичик сержант Нигора Жўрабоеванинг ҳам ўзига хос ўрни бор эди. Болалигидан шу соҳага катта ҳавас билан улғайган Нигора ўқувчилик чоғларидаёқ «Светофор» викторина ўйинининг фаол иштирокчиси эди.

Дастлаб Тошкент вилояти Чиноз туманидаги ўт ўчирувчилар кўнгилли жамиятида йўриқчи бўлиб ишлаган Н. Жўрабоева 1976 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ 1-алоҳида дивизионининг йўл назорати инспектори лавозимига тайинланди. Унинг кулиб турган кўзлари, ширин муомаласи, қоидабузарликларга нисбатан муросасиз ва қатъий қарорлар қабул қила олиши тезда раҳбарият эътиборига тушди. Аввал ИИВ Тошкент мактабини, 1991 йилда эса ҳозирги Ўзбекистон миллий университетини ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича сиртдан тамомлади. Машаққатли хизмати давомида ИИВ раҳбарияти томонидан кўп маротаба фахрий ёрлиқлар, ташаккурнома ва бошқа мукофотлар билан рағбатлантирилди.

Чорраҳада тартиб сақлар экан, қўлида жезл кўтариб турган гўзал қизни кўриб, у билан суҳбатлашиш учун атайлаб қоидани бузган ҳайдовчилар ҳам бўлганини қаҳрамонимиз кулиб эсга олади. Ўша пайтларда бу ҳақда кўпчилик гапириб, газеталарда ёзишган.

— Унинг чорраҳадаги нозик ҳаракатлари рақс тушаётганга ўхшарди, — дейди тошкентлик кекса ҳайдовчи. — Ўша пайтларда юк машинасини бошқарардим. Чиройли инспектор қизнинг ҳаракатлари эътиборимни тортди. Ишхонам шу яқин атрофдалиги боис машинани гаражга қўйиб, пиёда қайтиб бордим. Анча вақтгача бир чеккада туриб унинг ҳаракатларини кузатдим. Кейинчалик шу чорраҳада бу қизни кўп учратдим. Қиёфаси кечагидек ёдимда.

Ҳайдовчига уяли телефонимдан Нигора Жўрабоеванинг архивдан олинган суратини кўрсатдим.

— Худди ўзи!!!

Ҳайдовчининг кўзлари эски қадрдонини учратгандек, қувончдан порлаб кетди.



— Буни унутиш мумкин эмас, чунки ўша пайтда хотин-қизларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиши катта янгилик эди. Шу боис ҳам унинг кулиб турган кўзлари хотирамга муҳрланиб қолган.

Нигора Жўрабоева пойтахт ИИБ ДАНБ тизимида, республика ИИВ ЖТСХ ДАНБда инспектор, катта инспектор лавозимларида 27 йил хизмат қилгач, 2003 йилдан ИИВ Ахборот маркази инспектори лавозимида фаолиятини давом эттирди. Ҳужжатлар билан ишлашнинг ҳадисини олган Нигора опа бу ерда ҳам самарали фаолият кўрсатди. Унинг фидойилиги, Ватанга содиқлиги муносиб баҳоланиб, давлатимизнинг юксак мукофоти **«Содиқ хизматлари учун»** медали билан тақдирланди.

— Хизматимизнинг давлатимиз томонидан эътироф этилиши катта бахт, — дейди истеъфодаги подполковник Нигора Жўрабоева. — Нимагаки эришган бўлсам, устозларим, аҳил жамоам билан бирга, ҳамжиҳатликда ишлаганимиз учун эришдим. Ўзимдан ёши катталарнинг барчасини ўзимга устоз деб билдим. Дастлаб иш бошлаган пайтимда қизлар взводида Алижон Алашев ва Абдумалик Йўлдошев раҳбарларим бўлган. Уларнинг маслаҳатларини, хизмат сирларини ўрганишимдаги ёрдамларини асло унутмайман.

Нигора опа ҳозир ҳам маҳалла осойишталиги, ёшлар тарбияси учун муносиб ҳисса қўшяпти: пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Диёробод маҳалласи фаоли сифатида, маҳалла аҳлининг яхши-ёмон кунида доимо бирга.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИДАН

# ВАТАНИН АСРАЙДИ ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

**Бугунги тинч ва хотиржам ҳаётимиз учун ўта масъулиятли бурчни сидқидилдан адо этаётган, мамлакат барқарорлигига камарбаста бўлаётган шерюрак, жасур ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.**

Президентимизнинг 2018 йил 8 майдаги қарорига мувофиқ, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Улар зиммасига халқаро аэропортларни қўриқлаш, объектларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашдек муҳим вазифалар юклатилган. Айни пайтда ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Фарғона алоҳида батальони ҳарбий хизматчилари ҳам ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилиб келишмоқда.






Батальонда ҳарбий хизматчиларнинг самарали фаолият олиб бориши учун етарли шароитлар яратилган. Батальон биноси замон талабига мос ҳолда, капитал таъмирдан чиқарилиб, барча қулайликларга эга хизмат хоналари, ётоқхона, ошхона, дам олиш хоналари ташкил қилинган. Мебель жиҳозлари, маиший техникалар, қурол-аслаҳа, алоқа воситалари ва зарур хизмат анжомлари билан таъминланган.

– Ҳарбий хизматчиларимиз зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришмоқда, – дейди батальон командири, II даражали «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун» кўкрак нишони соҳиби, подполковник Билолжон Ўринбоев. – Ўтган йили Фарғона халқаро аэропорти ҳудудида кириш-чиқиш ва ички тартиб-қоидаларга риоя этмаган тартиббузарларга нисбатан 21 та баённома расмийлаштирилди. Шунингдек, товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқишга уриниш билан боғлиқ 3 та ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. 20 нафардан зиёд аэропорт ходимига ички тартиб-қоидага амал қилиш бўйича огоҳлантириш берилди.

Батальон ходимларини Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий билимини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маънавий-маърифий тадбирларни узлуксиз ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган бўлиб, Ёшлар иттифоқи вакиллари, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими аъзолари, олий ўқув юртлари профессорлари иштирокида ватанпарварлик мавзуида кўплаб анжуманлар ўтказилмоқда.



Ўтган йили вилоятдаги коллеж, лицей ўқувчилари учун беш марта очиқ эшиклар куни ташкил этилди. Уч марта меҳрибонлик уйи ҳамда мурувват уйлари тарбияланувчилари билан учрашувлар ўтказилиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди, бадиий китоблар совға қилинди. Шу билан бирга, ўндан зиёд спорт мусобақалари, китобхонлик тадбирлари ташкил этилди.

Батальонда Президентимиз, Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга онт ичган забардаст йигитлар қаторида дилбар аёллар ҳам талайгина. Масалан, кичик сержант Дилноза Ёқубова зиммасига юклатилган вазифани бекам-кўст бажариш билан бирга, юртни севиш, ардоқлаш каби эзгу туйғуларни ўзида мужассам этган шеърлар ёзади. Унинг «Кўзмунчоғинг бўлай», «Уфққа туташ туйғу» номли шеърий тўпламлари чоп этилган. 2019 йилнинг октябрь ойида республика миқёсида ўтказилган «Посбониман муқаддас юртнинг!» кўрик-танловида вазирлик номидан иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритгани ҳам унинг юксак истеъдод соҳиби эканидан далолат беради.

– Ютуқларимиз қанчалик салмоқли бўлса, олдимизда турган вазифаларимиз ҳам шунчалик масъулиятли ва шарафлидир, – дейди батальон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси, катта лейтенант Илёсжон Худойбердиев. – Бизнинг аскарларимиз ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда шунчаки кузатувчи эмас, балки бевосита иштирокчи сифатида қатнашаётганлиги албатта қувонарлидир. Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида садоқат, жасорат, матонат туйғуларини мустаҳкамловчи ҳаёт мактаби бўлишига астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Ватан – киндик қонимиз тўкилган тупроқ. Уни кўз қорачиғидек асраш, ҳимоя қилиш муқаддас бурчдир. ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Фарғона алоҳида батальони ҳарбий хизматчилари ушбу муқаддас бурчни фидойилик билан адо этишмоқда.

**Алишер НИШОНОВ,**
**сержант.**
**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ОБРАЗЦОВЫЙ РЕГИОН

# ВНИМАНИЕ К ЖЕНЩИНЕ –

## ОПЫТ БУХАРЫ

**Постановление Кабинета Министров «Об утверждении Программы по преобразованию Бухарской области в образцовую зону по работе с женщинами» от 14 июня 2019 года стало отправной точкой для деятельности в этом направлении. Опыт Бухарской области явился жизненно важным для наших женщин, особенно тех, кто нуждается в помощи, оказался в тяжелом социальном положении, является безработным и имеет склонность к совершению преступлений. Благодаря его реализации значительно сократилось количество преступлений и правонарушений, совершенных женщинами**



В целях социальной поддержки представительниц прекрасного пола, изучения и последовательного решения их проблем в УПП УВД области создан отдел по вопросам работы с женщинами, на его базе в городах и районах в штаты введены квалифицированные специалисты по работе с женщинами.

За короткий период жительницам области была оказана всесторонняя поддержка в поиске работы, помощь в восстановлении здоровья, поиске себя, выходе из сложных жизненных ситуаций. Бухарский опыт помог наладить деятельность соответствующих групп и в других регионах страны.

В целях повышения качества и эффективности службы инспекторам по вопросам женщин, а также специалистам по работе с женщинами и укреплению духовно-нравственных ценностей в семьях розданы современные планшеты, оснащенные специальной программой «Умид қаноти». Сотрудники изучают обстановку в домах и квартирах. Выявленные проблемы берутся ответственными руководителями под непосредственный контроль. Для решения вопроса выделяется 15 дней, электронная программа содержит информацию о сроках исполнения.

Если каждая женщина будет жить в атмосфере мира и спокойствия, иметь хорошую работу, достаточно средств для обучения, то она не станет совершать преступления. В ходе профилактических мероприятий, направленных на устранение преступности среди женщин, особое значение уделяется вопросу раннего предупреждения возможных негативных ситуаций. Положительное решение имеющихся проблем ведет к резкому снижению количества преступлений и правонарушений.

Заинтересовавшись опытом Бухары, решил ознакомиться с проводимой в области работой. Заместитель начальника УПП УВД Бухарской области, начальник отдела по вопросам женщин подполковник Дилфуза Шаропова пригласила меня в Вабкентский район. Первой в списке числилась махалля Пахтакор.

### ОБРАТИЛАСЬ В ТРЕТИЙ СЕКТОР…

Мохинур Солиева училась на швею в профессиональном колледже промышленности и транспорта. К ее матери – портнихе Мухайё опа обращались почти все жители села. Когда Мохинур получила диплом, появилась нужда в швейных машинках. Она обратилась к руководителю третьего сектора, который совместно с представителями Союза молодежи нашел решение этого вопроса.

– В марте прошлого года через фонд «Ёшлар – келажагимиз» я получила льготный кредит на сумму 15 миллионов сумов и купила четыре швейные машинки, – рассказала Мохинурхон. – Уже в апреле вместе с двумя выпускницами колледжа и одной безработной соседкой открыли швейный цех. Во время летних каникул к нам присоединилась Нафосат Истамова. Она была ученицей моей мамы, перешла в 11-й класс. Нафосат в неделю зарабатывала по 100-150 тысяч сумов, на которые купила себе школьную форму и учебные принадлежности.

– Что заказывают чаще всего? – спросил я у собеседницы.

– В основном национальную одежду, платья для будущих невест и современные занавески, – сказала она.

– Нет ли затруднений с выплатой кредита?

– Нет. Все трудности остались позади, – присоединилась к беседе мать Мохинурхон, Мухайё опа. – У моей дочери сила воли крепче, чем у меня. Раньше сельские женщины просили меня взять кредит, обещали помочь, но я боялась рисковать. А дочь справляется. Сегодня она сама себе собирает приданое.

### ПОМОЩЬ КОМИТЕТА ЖЕНЩИН

Еще один швейный цех открыла Гулхаё Юнусова. До замужества она училась секретам мастерства в Ташкенте и Коканде. Когда родились дети, Гулхаё забросила свою работу. В тот период муж уехал на заработки за границу и надолго там задержался. Жить стало сложнее. Молодая женщина решила не просить помощи у близких или соседей. Встретившись в конце февраля прошлого года с председателем районного Комитета женщин Л. Шариповой, она объяснила ситуацию и попросила помочь в приобретении швейных машинок, обещала трудоустроить безработных соседок.

Спустя время Фонд по поддержке женщин и семьи начал выделять деньги. Одной из первых восьмипроцентный кредит в размере 30 миллионов





МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# МУШТАРАК МАҚСАД – ВАТАН РАВНАҚИ

**Бутун юртимиз бўйлаб ўтказилган ватанпарварлик ойлиги доирасида Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимлари ташаббуси билан кўплаб тадбирлар амалга оширилди. «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» шиори остида ташкил этилган тадбирлар, хайрия акциялари, концерт дастурлари аҳолининг барча қатламини қамраб олди.**

Миллий гвардия тизимидаги барча бошқарма, ҳарбий қисм, бўлинмалар ҳарбий хизматчи ва ходимлари томонидан бир ой муддат мобайнида шаҳар, туман марказларида аҳоли иштирокида ҳарбий парад ва фестиваллар, мусиқий дастурлар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг намойишлари, югуриш марафонлари, шунингдек, «Аскар оналарини шарафлаймиз!» мавзуидаги муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва уларнинг яқинлари ўртасида видеомулоқотлар ўтказилди. Турли таълим муассасалари, меҳрибонлик ва мурувват уйларида эса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, уч авлод учрашувлари, музей, театр ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар, спорт мусобақалари ҳамда танловлар ташкил этилиб, фаол ёшларга совғалар топширилди.





Шу билан бирга, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган хизматдошларнинг оила аъзолари, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.



# ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

**Ватанпарварлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган туйғу эмас. Она Ватанга муҳаббат, унинг бугуни ва келажагига дахлдорлик ҳисси улғайиб келаётган ёш авлоднинг онгу шуурherидан жой эгаллаши мамлакат эртасининг чинакам эгалари камол топишига хизмат қилади.**

2019 йил 15 декабрдан жорий йилнинг 15 январига қадар давом этган ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирлардан яна бири Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида бўлиб ўтди. Вилоят бўйича Миллий гвардия бошқармаси қўриқлаш хизмати томонидан туман ИИБ раҳбарияти ҳамда мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан ҳамкорликда тумандаги Меҳрибонлик уйида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан намойиш этилган кўргазмали чиқишлар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, қўриқлаш хизмати фаолияти бўйича тайёрланган видеороликни томоша қилган болажонлар ҳар доим эътиборли ва сергак бўлиш, шубҳали ҳолатлар ва буюмлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз вақтида хабар бериш қанчалик зарур эканлигини яхши тушуниб олишди.

Учрашув сўнгида меҳмонлар томонидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига китоблар тўплами совға қилинди.

**Илёс РАҲИМҚУЛОВ,**
**катта лейтенант.**

# ЯНГИ ХОНАДОНЛАР МУБОРАК!

**Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан Миллий гвардия бўлинмаларида хизмат олиб бораётган 42 нафар ҳарбий хизматчи учун Бухоро ва Хоразм вилоятлари марказларидан барча шароитларга эга кўп қаватли замонавий турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.**



Тадбирларда кенг жамоатчилик, хусусан, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, ёшлар иттифоқи вилоят ва шаҳар кенгашлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янги уй-жойларнинг калитлари тантанали топширилиб, ёш оилаларга Миллий гвардия қўмондонлиги томонидан замонавий маиший техника воситалари совға қилинди.

Тадбирларда қатнашган нуронийлар дуога қўл очиб, юртимизда мана шундай бунёдкорлик ишлари бардавом бўлишини тилашди.





# БАРКАМОЛ АВЛОДГА МАЁҚДИР КИТОБ

**Буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ҳамда уларнинг ноёб асарларини келгуси авлодга етказиш, ҳарбий хизматчилар ва ходимлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Шу мақсадда Миллий гвардия тизимида мунтазам турли тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Яқинда ўтказилган «Энг яхши китобхон» танлови ҳам бунинг яққол мисолидир.

Танловда Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси, ҳудудий бошқармалар, Ҳарбий-техник институт, ҳарбий қисмлар ҳамда ихтисослаштирилган ўқув маркази, Тошкент «Темурбеклар мактаби», ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларидан бир нафардан номзодлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси доирасида ўтказилган танловда ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, миллий адабиётимизнинг дурдона асарларини, адибларимиз ижодини кенг тарғиб этиш каби мақсадлар кўзда тутилди.

Танловда «Биз – буюк саркардалар авлодимиз», «Жаҳон тамаддуни ва ўзбек халқи маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз» ҳамда «Мустақил вазифа» каби шартлар бўйича иштирокчиларнинг китобхонлик кўникмалари синовдан ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан жавоблар талабчанлик ва адолат мезонлари асосида баҳолаб борилди.

Энг яхши китобхонлар Миллий гвардия қўмондонлигининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, «Энг ёш иштирокчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг иқтидорли иштирокчи» номинацияларида ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

**Нозима МАҲМУДОВА,**
**лейтенант.**

ВЫПУСКНИКИ АКАДЕМИИ – НА СЛУЖБЕ

# ОГНЕМ ГОРЯТ ЛЕЙТЕНАНТСКИЕ ЗВЕЗДЫ

*Академия МВД Республики Узбекистан – ведущее высшее образовательное учреждение системы МВД страны. Ежегодно ряды специалистов ОВД пополняют сотни ее выпускников, которые, равняясь на наставников, выполняют ответственные задачи по борьбе с преступностью, ее профилактике, обеспечению общественной безопасности.*

*Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников органов внутренних дел» от 16 августа 2017 года дало импульс новому этапу в деятельности вуза. В соответствии с данным постановлением в образовательном учреждении на сегодняшний день осуществлена масштабная работа, направленная на кардинальное обновление содержания многоуровневой системы подготовки специалистов, внедрение в учебный процесс новейших педагогических и информационно-коммуникационных технологий, интерактивных методов обучения, передового зарубежного опыта. При этом профессорско-преподавательским составом особое внимание уделяется обеспечению неразрывной связи теоретического обучения с практикой деятельности ОВД.*

*О том, как служится выпускникам Академии, на погонах которых огнем горят лейтенантские звезды, мы решили спросить их самих, а также наставников молодых специалистов.*



**Тохир Иброхимов, лейтенант:**

– По завершении обучения я был направлен в ЭКО УВД Ферганской области, где в настоящее время работаю в должности эксперта.

Нисколько не сожалею, что выбрал именно эту специальность. Тщательно и грамотно собранные и исследованные улики на месте происшествия в ходе расследования помогают установить лиц, причастных к совершению преступления, а в ходе судебного заседания – доказать виновность обвиняемого.

В своей деятельности эффективно использую знания и навыки, приобретенные в вузе. Особую признательность хочу выразить преподавателям – подполковнику Фахриддину Тураеву, майору Садокат Нурумбетовой. Ведь во многом благодаря им к окончанию обучения у меня уже были допуски к проведению дактилоскопической, баллистической, трасологической, почерковедческой видов экспертиз, а также технико-криминалистической экспертизы документов. Практика в период обучения в Академии была организована так, что проходили мы ее в подразделениях, куда в последующем были направлены для продолжения службы. Так что с деятельностью подразделения, где я сейчас работаю, был знаком. Здесь служат специалисты с многолетним стажем экспертной деятельности. Их наставления для меня очень значимы в постижении профессии.

В составе следственно-оперативных групп выезжаем на места происшествий. Недавно участвовал в осмотре места происшествия по факту разбойного нападения в Узбекистанском районе. Горжусь, что наставник оценил мою работу как весьма результативную.

– Наш молодой специалист подает большие надежды, – включается в разговор **заместитель начальника ЭКО УВД Ферганской области подполковник Абдумутолиб Эсонкелдиев.** – Думаю, что экспертная деятельность – это его призвание. Лейтенант Иброхимов обладает качествами, важными для экспертов, – ответственностью, наблюдательностью, внимательностью к деталям.

Академия подготовила квалифицированного специалиста, который пришел к нам с допусками по проведению пяти традиционных видов экспертиз. Для нас это очень важно.

Криминалист – профессия многогранная, а посему планируем направить лейтенанта Иброхимова в ГЭКЦ МВД для получения еще одного допуска – на проведение габитоскопической (портретной) экспертизы. Уверен, что он и этот вид экспертизы освоит на «отлично».

**Уралбек Абдуазимов, лейтенант:**

– Окончил Академию в 2019 году. В соответствии с полученной специальностью назначен на должность старшего инспектора группы организации профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи ОВД Арнасайского района.



Годы обучения в Академии дали необходимый багаж знаний в области профилактики правонарушений. По прибытии на место распределения, опираясь на опыт старших товарищей, включился в профессиональную деятельность.

В нашем районе функционируют 2 колледжа, 21 общеобразовательная школа. Вместе с инспекторами профилактики, представителями образовательных учреждений, органов самоуправления граждан проводим работу по предупреждению правонарушений среди сельской молодежи, реализуем социально-правовые и иные меры, направленные на выявление и устранение причин и условий, способствующих совершению правонарушений или иных антисоциальных действий. При этом особое внимание уделяем индивидуальной профилактической работе с юношами и девушками, повышению их правовой культуры и правосознания.

– Являюсь наставником лейтенанта Абдуазимова, – говорит **инспектор профилактики ОПП ОВД Арнасайского района капитан Азизжон Абсаттаров.** – Моего подопечного отличают целеустремленность, стремление выполнять поручения качественно и в срок. Думаю, что такие черты характера сформировались у него за период обучения в военно-академическом лицее, а также в Академии.

Работу по предупреждению правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи района ведет системно, целенаправленно, что способствует решению поставленных перед ним задач. Недавно вместе проводили профилактическую работу с юношами и девушками, проживающими на территории махалли Зарафшон. Еще раз убедился в том, что молодой специалист юридически подкованный, грамотный, умеет наладить контакт с молодежью. Про себя тогда подумал: вот пример для молодежи. В лейтенанте Абдуазимове заложен потенциал для отличной службы. А это – самое главное.

**Ислом Ибадуллаев, лейтенант:**

– Служу в должности следователя СО ОВД № 8 УКД ОВД Алмазарского района столицы. Горжусь тем, что являюсь выпускником Академии МВД, воспитавшей нас как офицеров и специалистов.

Академия действительно дала очень много – теоретическую подготовку в области права и правоприменения, профессиональные навыки, необходимые для работы следователем. Теперь моя главная цель – служить честно, строго следуя духу и букве закона.



При этом знаю, что всегда могу положиться на наставников, на их мудрый совет.

Я убедился в том, что профессорско-преподавательский состав Академии поступает правильно, ставя во главу угла обеспечение неразрывной связи теории и практики в процессе обучения. На своем примере могу сказать, что это действительно востребовано.

Выражаю признательность преподавателям, обучавшим всем тонкостям уголовного, уголовно-процессуального законодательства, других отраслей права. При этом особо хочу отметить руководителя моей выпускной квалификационной работы на тему: «Свидетель – участник уголовного процесса» – доктора юридических наук подполковника Алима Атабаевича Матчанова. Его ценные советы, наставления, которыми он делился, сегодня помогают в каждодневной моей деятельности.

– Лейтенант Ибадуллаев стремится высоко держать марку выпускника Академии, прилагая все свои усилия к тому, чтобы оправдать надежды педагогов, – говорит **начальник СО ОВД № 8 УКД ОВД Алмазарского района капитан Азамат Аманов.** – Молодой следователь весьма ответственно относится к своему делу, не останавливается на достигнутом, продолжает осваивать профессию. Убежден, самоотверженной службой, выполняя задачи по установлению истины при расследовании преступлений, он достигнет успехов в профессиональной деятельности.

**Беседовал Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**

ЮБИЛЕЙ

# СЛАВНЫЙ ПУТЬ ЗАСЛУЖЕННОГО ВЕТЕРАНА



**Как хорошо, что в нашей жизни, иной раз суетливой, а порой и обыденной, есть такие люди, на которых хочется равняться, следовать их примеру, перенимать богатый опыт и поклониться им за то, что, не жалея себя, не ссылаясь на трудности, они всегда готовы прийти на помощь, поддержать, дать дельный совет. Именно к таким бескорыстным, трудолюбивым и самоотверженным людям, коих в системе МВД республики немало, можно уверенно причислить ветерана органов внутренних дел полковника в отставке Фёдора Алексеевича Степанова, которому первого февраля нынешнего года исполняется… Как вы думаете, уважаемые читатели, сколько лет исполняется Фёдору Алексеевичу? Ни много ни мало, а … 90 лет!**

Что и говорить, многие годы жизни посвятил Фёдор Алексеевич беззаветному служению Отечеству. Начал он свой доблестный путь в учебном подразделении пограничных войск, продолжил его во внутренних войсках. После окончания учебы в Ташкентской средней специальной школе МВД занимал ряд руководящих должностей.

С 1980 по 1989 годы проходил службу в должности начальника курса Ташкентской высшей школы МВД (ныне Академия МВД республики). Вместе со слушателями своего курса принимал непосредственное участие в обеспечении охраны общественного порядка и безопасности граждан при проведении Московских Олимпийских игр в 1980 году, Игр доброй воли, в мероприятиях по ликвидации последствий землетрясения в Армении в ноябре 1988 года и Ферганских событиях лета 1989 года.

Конечно, время не стоит на месте, оно стремительно летит, подобно быстрокрылой птице. Все вокруг меняется, меняемся со временем и мы. По прошествии лет, за время службы в образовательных учреждениях МВД Узбекистана полковник Фёдор Степанов воспитал много достойных учеников и последователей, которые и по сей день с честью выполняют свой долг во благо великого Узбекистана. Следует отметить, что продолжая династию, сын Фёдора Алексеевича служит в органах внутренних дел. Полковник Алексей Степанов – заместитель начальника одного из управлений Центрального аппарата МВД Узбекистана.

– Служение народу и Родине я считаю высокой, ответственной миссией, – говорит Ф. Степанов, – и поэтому каждый сотрудник органов внутренних дел должен быть профессионалом своего дела, постоянно работающим над своим уровнем.

В преддверии знаменательного юбилея прекрасного, мудрого и чуткого ветерана хочется сказать такие слова: пусть годы уходят безвозвратно, и седина посеребрила голову, но доброе сердце и широкая душа не стареют! Они остаются молодыми, пока человек ощущает свою необходимость и пользу для общества, для окружающих.

Мы любим Вас и ценим, дорогой Фёдор Алексеевич! Совет ветеранов МВД Республики Узбекистан, коллеги по службе, выпускники Академии МВД и Объединенная редакция МВД в честь Вашего славного юбилея искренне поздравляют Вас, желают крепкого здоровья, удачи, семейного благополучия, процветания, исполнения всех заветных желаний и успехов во благо нашей любимой и незабвенной Родины!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПОЧИН

# Гражданин КНР – обладатель вида на жительство

**Международное партнерство в области бизнеса в нашей республике имеет весьма важное значение, так как в огромной степени способствует развитию экономики, а значит напрямую связано с процветанием и благосостоянием народа. В этом отношении в Узбекистане делается очень многое, прежде всего создаются необходимые условия для того, чтобы зарубежные партнеры чувствовали себя в нашей стране как дома, имели возможность осуществлять свою деятельность без бюрократической волокиты и препон**



Так, своеобразным первопроходцем в вопросе инвестиционных виз стал директор расположенного в Сырдарьинской области узбекско-китайского совместного предприятия PENG SHENG Цзи Цюхай, которому первым из граждан Китайской Народной Республики был оформлен вид на жительство в Узбекистане.

Следует отметить, что согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О внесении дополнения в Указ Президента Республики Узбекистан от 5 января 2019 года № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 19 сентября 2019 года и постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан № 864 «О внесении изменений и дополнений в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан в связи с введением инвестиционной визы для иностранных инвесторов, а также созданием для них и членов их семей дополнительных благоприятных условий пребывания на территории республики» от 11 октября 2019 года, иностранному гражданину – учредителю (участнику) предприятия с иностранными инвестициями, внесшему инвестиции в организацию на территории Республики Узбекистан предприятий по производству товаров и оказанию услуг в размере не менее трех миллионов долларов США, оформляются постоянная прописка и вид на жительство. Оформление и выдача документов упорядочены постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 октября 2018 года.

Директор расположенного в Сырдарьинской области узбекско-китайского совместного предприятия PENG SHENG гражданин КНР Цзи Цюхай в целях развития экономики Республики Узбекистан внес инвестиции в размере свыше трех миллионов долларов США. Инвестором в соответствующем порядке были предоставлены документы в УМиОГ УВД Сырдарьинской области для получения вида на жительство в Республике Узбекистан. Документы были рассмотрены в обозначенные сроки и торжественно вручены директору сотрудниками Управления. Надеемся, что этот ответственный и почетный почин станет традиционным среди зарубежных бизнес-партнеров, осуществляющих деятельность в Узбекистане и вносящих немалый вклад в развитие экономики страны.

**Достон ШАМСУТДИНОВ,**
**капитан.**
*Сырдарьинская область.*

КИНОЛОГИЯ

# ҲИДЛАР ЖИНОЯТНИ ФОШ ЭТАДИ

**Ички ишлар органларида хизмат итларидан самарали фойдаланилади. Жумладан, гиёҳвандлик моддалари ва қурол-яроғларни топиш, жиноятчининг изига тушиш борасида бу жониворларга тенг келадигани йўқ. Шу боис мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида кинология соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ички ишлар органларининг кинология хизматлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида республиканинг барча ҳудудларида хизмат итлари наслини яхшилаш ва кўпайтириш, кинология хизматлари гуруҳларини ташкил этиш, фаол кинологларни моддий рағбатлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Ғаллаорол, Зомин, Дўстлик туманларида туманлараро кинология гуруҳлари тузилиб, улар жойлашган бино ва иншоотлар замон талабларига мосланди. Натижада жониворларни хизматга ўргатиш шароит ва имкониятлари кенгайди.

Туманлараро кинология гуруҳларида фаолият кўрсатувчи ходимлар сони оширилди. Яқин кунларда ҳар бир гуруҳ алоҳида хизмат автоуловлари билан таъминланади. Шунингдек, тизимда



махсус малака тоифасини белгилаш жорий этилди. Яъни, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни очишда фаоллик кўрсатган кинолог ходимларга қўшимча устама тўланмоқда.

– Мазкур ўзгаришлар жойлардаги хизмат итларини тизимли ўргатиш имконини юзага келтирди, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Рамз Оқбўтаев. – Бу эса хизмат итларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, фуқаролар тинчлик-осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятдаги ички ишлар органлари учун хизмат итлари тайёрланадиган асосий питомник Шароф Рашидов туманида жойлашган. Бу ерда жониворларни сақлаш ва хизматга ўргатиш учун барча шароитлар яратилган. Питомникда немис ҳамда Шарқий Европа овчаркалари, рус спаниели, лабрадор зотли 73 та хизмат ити сақланмоқда. Жониворлар из қидириш, портловчи моддалар ва қурол-яроғларни топиш ҳамда гиёҳвандлик моддаларини излашга ўргатилган.

– Итлар хизматга танланаётганида, уларнинг ташқи кўриниши, бақувватлиги, ҳид билиш қобилияти, руҳияти инобатга олинади, – дейди кинолог, сафдор Ином Мустаев. – Итлар, тахминан, 4 ойда вазифаларни тўла ўзлаштиради. Уларнинг энг асосий иқтидори ҳид сезишдир. Из қидирув итлари қолдирилган кийим, буюм ёхуд излар орқали жиноятчиларни топади. Портловчи моддаларни қидирадиган итлар эса ҳид билишдан ташқари, босиқ бўлиши керак, яъни портловчи моддани топгач, ортиқча ҳаракат қилмасдан, кинологга белги бериши зарур. Тор жойларга кира олиши ҳисобга олиниб, гиёҳвандлик моддаларини излашга кичикроқ итлар танланади. Спаниеллар наркотик моддаларни, Шарқий Европа ва немис овчаркалари эса портловчи моддаларни топишни тез ўзлаштиради. Из қидиришни немис овчаркалари қойиллатади.



Табиийки, жониворларга алоҳида эътибор зарур. Улар кунига икки марта рацион асосида озиқлантирилади. Турли касалликларга қарши эмланади, яшаш жойи тез-тез дезинфекция қилинади.

Кинологлар учун иш эрталабки йиғинда вазифаларни тақсимлашдан бошланади. Бир қисми постларга кетса, айримлари жиноят жойига чиқади. Одатдагидек, қобилиятли ва тажрибали жониворларга мураккаб ишлар топширилади. «Герда», «Лиза» ва «Рекс» лақабли итлар қатор жиноятларни очиб, соҳа вакилларининг мушкулини осон қилган.

Жиззах шаҳрининг Ҳамид Олимжон номли маҳалласида қотиллик содир этилгани тўғрисидаги хабардан сўнг тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига зудлик билан етиб борди. Эксперт-криминалистлар хонадонни кўздан кечира бошлади. Кинолог ҳам «Герда» лақабли хизмат ити билан ишга киришди. Ит айвондаги «Лабо» автоуловини ҳидлар экан, бирдан кўчага интилди. Кинолог сездики, «Герда» жиноятчининг изини топган.

Хизмат ити эгасининг етовида кўча бўйлаб чопа бошлади. Юз метрлар масофани босиб ўтгандан сўнг йўл четидаги буталар олдида тўхтади: у ердан телевизор топилди. Ит яна олдинга интилди. Икки юз метрдан сўнг қон доғлари бўлган очқич топилди.

Ўша куниёқ телевизор ва очқичда қолдирилган бармоқ излари орқали жиноятчи ушланди. Эътиборлиси, қотил қурбоннинг ўғли билан бир синфда ўқиган 20 ёшли йигит бўлиб чиқди.

... Синфдошининг отаси «Нексия» автомашинасини сотгани ва пул уйда сақланаётганини эшитган Шоҳмирзанинг нияти бузилди. Кечаси, ҳамма ухлагач, пулни ўғирлаб, бир муддат Қозоғистонга кетиш режасини тузди. Қайтгач, «пул ишлаб келдим», дейди-да, машина сотиб олади.

Шоҳмирза ана шундай ўй оғушида тунги соат иккиларда синфдошининг ҳовлисига девор ошиб кирди. Бир муддат аланглаб, атрофни кузатди. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, бостирмадаги «Лабо» автомашинасининг ичидан пул қидира бошлади. Кутилмаганда уй эшиги очилиб, кимдир кўринди. Ўғри эгилиб автоулов салонига яширинмоқчи бўлди. Бахтга қарши, хонадон эгаси машинадаги шарпани кўрганди, чироқни ёқди. Шоҳмирза синфдошининг отаси яқинлашаётганини сезгач, автоулов салонидаги очқични қўлига олди.

Уй соҳиби унга яқинлашиб кела бошлади. Йигит очқич билан унинг бўйнига, бошига зарба берди. Жароҳат туфайли уй эгаси ҳушини йўқотди. Шоҳмирза нима қилишини билмай бироз кутди, уйдан ҳеч ким чиқмади.

Сўнгра режасини охиригача амалга ошириш мақсадида уйга кирди. Шоша-пиша пул яширилиши мумкин бўлган жойларни титкилашга киришди. Пулларни топгач, сумкага жойлаб, қимматбаҳо буюмларни қидиришга тушди. Ҳеч нарса топа олмагач, телевизорни қўлтиқлаб олди. Энди бир амаллаб уйдан узоқлашса бўлди. Бироқ олишув вақтидаги бақир-чақир қўшнилардан бирини уйғотиб юборганди. Хавотирланиб кўчага чиққан қўшни тадбиркор дўстининг дарвозаси эшигини тортди. Очилмагач, ҳаммаси жойида бўлса керак, деган хулоса билан ортга қайтганида, қўшнининг дарвозаси очилиб, бир қўлида сумка, иккинчисида телевизор тутган йигит кўринди.

Гап нимадалигини англаган эркак одамларни ёрдамга чақира бошлади, табиийки, ўғри қочишга тушди. Озроқ чопгач, югуришга халақит бераётган ва бошқаларнинг эътиборини тортиши мумкин бўлган телевизорни буталар орасига улоқтирди.

Шоҳмирза пулларнинг асосий қисмини уйига яширгач, «Қайдасан Қозоғистон?» дея йўлга чиқди. Аммо ўзининг бармоқ излари тушган буюмларни «Герда» аллақачон топганлигини, шу куниёқ ички ишлар органи ходимлари уни қидиришга киришганлигини билмасди.

Кинологлар ўз хизмат итлари билан кўплаб жиноятларни фош этмоқда. Ўтган йили хизмат итлари кўмагида 110 та жиноят очилди. Шундан 40 таси гиёҳвандлик воситалари, 2 таси қотиллик, 2 таси талончилик, 2 таси босқинчилик, қолганлари ўғрилик билан боғлиқ жиноятлардир.

Хизмат итлари ёрдамида йўл-патруль хизмати масканлари, блок ва тўсиқ чегара постлари, кўча ва жамоат жойлари, темир йўл вокзали каби қатор объектларда ҳам профилактик тадбирлар амалга оширилиб, жамоат хавфсизлиги таъминланмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

**Суратда:** *вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари машғулот пайтида.*

Биласизми? **Одамнинг мияси ухлаган вақтда телевизор кўриш вақтидан яхшироқ ишлайди.** Биласизми?

КИТОБ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

# СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗНИНГ ЭЪТИБОРИДА БЎЛГАН

**Амир Темур ўзбек давлатчилиги тарихида ёрқин из қолдирган улуғ ҳукмдордир. Айнан унинг шижоати, мардлигу моҳир саркардалиги туфайли XIV асрда сиёсий тарқоқликка, мўғуллар истибдодига барҳам берилиб, улкан ҳудудда марказлашган кучли давлат, буюк салтанат барпо этилди. Буюк бобокалонимиз ўз фаолияти давомида лашкари таркибидаги қўриқлаш бўлинмаларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги китобларни, «Темур тузуклари»ни мутолаа қилиш жараёнида бунга амин бўлдим. Қуйида ушбу таассуротларимни сиз билан ўртоқлашмоқчиман.**



Мамлакатда аҳоли осойишталигини таъминлаш, ташқи ва ички душмандан ҳимояланиш, давлатнинг муҳим иншоотлари, савдо карвонлари, фуқароларнинг мол-мулкини муҳофаза қилишда қўшинлар таркибидаги соқчи ва қоровул бўлинмаларининг алоҳида ўрни бўлган. Бобокалонимиз бундан олти аср аввал ўз «Тузуклари»да ушбу бўлинмаларнинг вазифалари ва мажбуриятларини аниқ белгилаб берган.

Соҳибқироннинг тажрибаси шуни кўрсатдики, агар соқчи ҳушёрлигини йўқотмаса, душман қўшини қалъага тўғридан-тўғри ҳужум қилолмайди. Башарти посбонни ғафлат босса, қалъа ичида қанча қуролланган аскар бўлса ҳам, бефойдадир. Шунинг учун Амир Темур шаҳару қалъаларни ишончли қўриқлашга алоҳида эътибор қаратди.

У Мовароуннаҳрни ва салтанат пойтахти иқтисодиётини ривожлантириш, Самарқандни Буюк ипак йўлидаги энг йирик савдо марказига айлантириш мақсадида, биринчи навбатда, савдо алоқаларини тиклаш чораларини кўрди. Аввало, карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаб, уларда карвонсаройлар барпо эттирди. Савдогарлар ҳаёти, карвонсаройлар, карвондаги қимматли мол-мулкларни қароқчи ва зўравонлардан ҳимоя қилиш учун алоҳида қоровул кузатув бўлинмаларини ташкил қилди.

Ўша даврда айрим амир ва беклар қароқчи тўдалар ва кўчманчи босқинчилар билан тил бириктириш ҳоллари ҳам учраб турарди. Соҳибқирон бундай келишувларга барҳам берди. Буюк ипак йўлидаги қароқчи, ўғри ва зўравонлар, кўчманчи босқинчилар устига қўшиндаги махсус бўлинмаларни жўнатди. Бундай кучли қўшиннинг зарбасидан кейин қароқчию босқинчилар қаршисида қандай кучли ҳукмдор турганини англаб етди ва ин-инларига кириб кетди. Амир Темур қароқчиларни мунтазам таъқиб этиб, уларни жазолаб бориш тўғрисида ўз қўшинига керакли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Бунинг самараси ўлароқ, савдо карвонлари улуғ салтанат пойтахтига беталафот етиб келадиган бўлди. Буюк ипак йўли энг хавфсиз, тинч карвон йўлига айланди. Турли мамлакатларнинг савдогарлари бундан хабар топди. Соҳибқироннинг узоқ йиллар давомида ўйлаган эзгу мақсади амалга ошди – Самарқанд Буюк ипак йўлидаги халқаро савдо марказига айланди. Шаҳарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кумуш ипли матолар, рангдор мис буюмлар, машҳур бинафшаранг кимхоблар, қимматбаҳо тошлар довруғи оламни тутди. Нафис Самарқанд қоғози нафақат Осиё, балки Европа мамлакатларида ҳам сотила бошланди.

Амир Темур салтанат, унинг ҳудудлари хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳаёти, тинчлик-осойишталиги, уларнинг мол-мулклари хавфсизлигини таъминлаш учун қўл остидаги қўшинидан ўн икки минг қуролланган навкарни соқчиликка йўллайди.

Соқчиларнинг хизмат олиб бориш ҳудуди, хизмат вазифалари аниқ белгиланади. Галма-гал ҳар қайси мингбоши ўзининг қуролланган минг нафар соқчиси билан туну кун сарой, девонхона, бозорлар, савдо расталари, ўрда атрофидаги савдо дўконларини ишончли қўриқлайди. Ҳар соатда ўнбоши юз бошига, юзбоши мингбошига, мингбоши қалъа бошлиғига вазият бўйича ахборот бериб турарди. Соқчиларнинг молиявий таъминоти бозорлар, савдо расталари, дўконлардан тушган солиқ эвазига қопланади. Агар ушбу савдо марказлари ва дўконлардаги бирон-бир савдогарнинг моли ўғирланса ёки савдо дўконига зиён етказилса, ўша ҳудуддаги юзбоши, ўнбоши ва соқчилар жавобгар бўлган. Соҳибқирон шахсан ўзи шаҳарни қўриқлаётган ва мудофаа қилаётган соқчи ҳамда навкарларни, захира қўшиннинг тунги хизмат ўташини истаган вақтида текшириб турган.

**Дониёржон ЭСОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси 3-алоҳида батальони ходими, сафдор.**

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИДАН

# ЕТАКЧИНИНГ ЮТУҒИ

**Маълумки, ҳарбий қисмларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатяпти. Ушбу тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, фаол, фидойи етакчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бир қатор ишларни амалга оширяпти. Ҳар йили ўтказилаётган «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳарбий қисмлардаги энг намунали бошланғич ташкилоти» танлови шулар жумласидандир.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни арафасида 2019 йил якунлари бўйича мазкур танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда биринчи босқичда ғолиб чиққан бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ўтган йил давомида, шу жумладан, Президентимизнинг бешта ташаббусини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширган ишлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлиги, нотиқлик санъати ва ёшларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилияти, ташаббускорлиги баҳоланди.

Танлов натижаларига кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7532-ҳарбий қисмдаги бошланғич ташкилоти етакчиси, капитан Носир Ибрагимов фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилди. Унинг 2020 йилда «Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий савиясини юксалтиришда хориж тажрибасини қўллаш» лойиҳаси нафақат ҳакамлар ҳайъати аъзолари, балки тадбирнинг бошқа иштирокчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Капитан Носир Ибрагимов II даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Уни ютуқ билан табриклаб, ёш ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги келгуси фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Илҳом ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**сержант.**
**Муаллиф олган сурат.**



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# Просвещение в борьбе с фанатизмом

*«Сегодня, когда мир стремительно меняется, возникают все новые вызовы и угрозы стабильности и устойчивому развитию народов, как никогда раньше важно внимание к просвещению, к духовному, нравственному началу, привитие молодежи стремления к знаниям, потребности в самосовершенствовании. Именно просвещение и образование являются ключом к процветанию народов. Именно просвещение и образование ведут людей к благодеяниям, добру, терпимости».*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

На 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в сентябре 2017 года была принята резолюция «Просвещение и религиозная толерантность». Ее инициатором стал Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев.

Выступая с высокой международной трибуны, глава нашего государства заявил, что необходимо обеспечить всеобщий доступ к образованию, ликвидировать безграмотность и невежество, содействовать утверждению толерантности и взаимного уважения, обеспечить свободу вероисповедания.

Эти принципы лежат в основе внутренней и внешней политики Узбекистана и являются основополагающими не только в социальной области, но и в сфере обеспечения безопасности и соблюдения правопорядка. Говоря иначе, только просвещая общество, можно преодолеть такие его пороки, как фанатизм, экстремизм, консерватизм, любые проявления нетерпимости.

Что есть просвещение – это передача знаний, воспитание культуры, прежде всего среди молодежи. Просвещение призвано заложить основы независимого взгляда на мир. Господство разума, главенство науки, стремление к универсальному братству людей – вот фундаментальные ориентиры для миллионов, стремящихся жить в достойном, безопасном мире, основанном на соблюдении прав и свобод граждан, с обязательным следованием ими самими законам и принципам общества и государства.



Одной из главных задач просветителей во все века являлось воспитание сознательного гражданина, который станет служить обществу, исходя из собственного благородного порыва. Просветители всегда выступали против невежества и мракобесия, которые считали причинами человеческих бедствий.

Безграмотность и отсталость – почва, в которой прорастают семена фанатизма, экстремизма, фундаментализма, радикализма.

Фанатизм – это безоговорочное следование собственным убеждениям, навязывание личной точки зрения другим, особенно в религиозной, национальной и политической областях. Это вера, доведенная до крайней степени приверженности «истинным» идеям, нетерпимость к чужим взглядам и убеждениям. Это безнадежная попытка



бороться с многообразием и глубиной мира, с самой человечностью, полнотой жизни.

У фанатизма, как и любого другого явления, есть отличительные признаки: интеллектуальная неразвитость, скудоумие, невежество, бескультурье, жалкие обрывки знаний; отсутствие логики и здравого смысла; готовность к насилию и экстремизму ради «великой идеи»; агрессивная реакция на любые выпады несогласных; отказ другим в праве быть самими собой; приверженность к тоталитарной системе; беспрекословное подчинение принятым «правилам игры».

Чем опасен фанатизм? Он разрушает личность, лишает ее свободы, развития и самореализации. И это только одна из угроз. Основная проблема в том, что фанатик не способен признать другую точку зрения, в принципе принять тот факт, что в мире есть много идей, отличных от тех, которым он привержен. Результатом становятся войны, вражда, насилие, дискриминация. Агрессия фанатика – ответная реакция защиты, так как любое альтернативное мнение он воспринимает как нападки со стороны окружающих.

По степени опасности выделяются две формы фанатизма:

– средняя, приверженцы которой отрицают альтернативы, отстаивают свою точку зрения, в основном общаются с себе подобными, при необходимости, отстаивают свою веру.

– тяжелая, когда фанатики пытаются переманить на свою сторону нейтральных людей и переубедить тех, кто придерживается других мнений. Для достижения своих целей они используют жесткие методы: пытки, избиения, угрозы, наказания.

Почему люди становятся фанатиками? Фанатизму подвержены те, кто не уверен в себе, нуждается в управлении извне, испытывает потребность в подчинении, имеет трудности с самореализацией, не доверяет миру и себе, необразован, верит в предрассудки, испытывает постоянное чувство страха, подвержен внушению, не имеет идеалов, ценностей, убеждений.

Предрасположенность к фанатизму формируется в детстве под влиянием разрушающего воспитания. Если в семье «процветают» авторитаризм, манипуляции ребенком, изоляция, насилие, отсутствие любви и заботы, то дети вырастут с ощущением ненужности, несостоятельности и беспомощности. А это прямой путь к фанатизму.

Психологи считают, что фанатикам свойственны такие качества, как крайняя умственная ограниченность, страх, зависть к чужим успехам, заниженная самооценка, беспросветность и безысходность жизни.

Чем сильнее отстает в развитии человек, тем легче им управлять. Фанатик, слепо следуя убеждениям, навязанным ему извне деструктивными идеологами, часто в своих воззрениях доходит до крайних проявлений нетерпимости к чужим взглядам.

К сожалению, это горькая правда современного мира. Взгляните на то, что происходит сегодня на нашей планете, кто управляет сознанием людей, специально нагнетает в их сердцах ненависть, неприятие, отчужденность. Этим занимаются силы, стремящиеся к дестабилизации обстановки в конкретных странах и регионах. Воздействуя на слепо доверяющих им людей, они изнутри пытаются «взорвать» общество, нарушить стабильную мирную жизнь, распространить хаос, чтобы затем навести «порядок», согласно своим правилам и принципам.

С такими силами необходимо вести непримиримую борьбу по всем «фронтам» – идеологическому, политическому, информационному, законодательному, социально-правовому. На переднем крае этого противостояния выступают правоохранительные органы.

В последнее время все больше значимости придается взаимодействию населения с органами внутренних дел. В основе принципа, суть которого заключается в том, что органы правоохраны должны быть ближе к народу, лежит важная идея: необходимо, чтобы граждане поняли, что сотрудники внутренних дел являются не столько представителями силовых структур, сколько помощниками, и в определенной мере воспитателями. Особенно в вещах, касающихся угрозы для государства и общества, каким является фанатизм. Именно из его недр вырастают экстремизм, фундаментализм, терроризм, в итоге приводящие к дестабилизации обстановки в стране, не только нарушающие спокойствие, но и подвергающие большой опасности жизни людей.

В связи с этим, стражи порядка ведут активную профилактическую работу, проводят воспитательно-образовательные мероприятия среди населения. В этом им помогают активисты махаллей, небезразличные граждане, которые болеют душой за свою страну и хотят видеть ее мирной и процветающей. Систематически проходят беседы с учащимися образовательных учреждений, молодежью. Особую важность приобрела профилактическая деятельность, выражаемая в проведении различного рода творческих, познавательных, образовательных мероприятий в связи с деятельностью, проводимой в рамках реализации пяти важнейших инициатив, выдвинутых Президентом нашей страны.

Все эти инициативы направлены на то, чтобы наши граждане, особенно подрастающее поколение, были образованными, мыслящими, уверенными в себе и своих знаниях, независимыми в своих суждениях людьми. Только тогда ржавчина фанатизма не сможет разъесть умы и души граждан, а мир и спокойствие, царящие сегодня в стране и обществе, будут спутниками наших детей и внуков.

**Подготовила**
**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент «На посту».**




# ВАС ЖДУТ ДОМА!

**По старой доброй традиции, перед тем как куда-то пойти, мы желаем друг другу доброго пути. Как вы думаете, что является важным слагаемым нашего удачного путешествия? Об этом мы спросили у начальника отдела безопасности дорожного движения Самаркандского РОВД майора Алишера Нормометова, который считает, что дисциплина – это, прежде всего, норма поведения водителей и пешеходов, которые своим уважительным отношением к правилам дорожного движения подают положительный пример для всех нас.**

– У нас, так же, как в развитых странах, изо дня в день растет количество автотранспорта, – отмечает Алишер Хамзакулович. – На нашем учете – более 30 тысяч частных и 1656 служебных машин. По территории района проходят 80 км международных, 103 км областных и 91 км дорог местного значения. Главная задача – сократить до минимума количество ДТП и чрезвычайных происшествий. Но, несмотря на все наши усилия, в минувшем году было зафиксировано 54 дорожно-транспортных происшествия, в результате которых погибли 19 человек. При этом 24 случая произошли по вине пешеходов.

Что греха таить, некоторые водители и пешеходы нарушают правила дорожного движения, просто не обращают внимания на дорожные знаки, разметку, сигналы светофора. Если наши инспектора заполняют протокол, то они агрессивно возмущаются, угрожают написать жалобу в разные инстанции. Поэтому в самых густонаселенных районах были установлены около 20 камер видеонаблюдения, 11 радаров и другая самая современная аппаратура. На проезжей части, прилегающей к общеобразовательным



школам № 16, 17, 24, 29, 33, 37, 52, установлены светофоры. Сотрудники дорожно-патрульной службы, помимо контроля над ситуацией на дорогах, занимаются профилактикой ДТП.

Среди населения района, по графику, проводятся агитация и пропаганда, направленные на соблюдение установленных правил поведения на дорогах. Встречи и беседы с активистами махаллей, широкой общественностью, школьниками, молодежью, выступления по радио и телевидению, на страницах районных газет дают свои позитивные результаты.

Согласно статистике, количество ДТП, по сравнению с предыдущим годом, уменьшилось на семь процентов. Однако, несмотря на то что во многих сферах жизни уже произошли видимые изменения, с большими трудом прививается культура поведения на дорогах. Разве это нормально, когда многие, демонстративно игнорируя правила дорожного движения, переходят улицу в неположенном месте? Более того, хамят, грубят, ведут себя агрессивно, игнорируют замечания наших инспекторов. А ведь дисциплина – это главное правило поведения на дорогах.

Напоследок я бы хотел обратиться не только к водителям автотранспорта, но и пешеходам: строго соблюдайте правила дорожного движения!

Всем желаю счастливого пути! Не забывайте – вас ждут дома.

**Записал Захир ХАСАНЗОДА.**

**Это нарушение или...**






**Лучше хранить молчание до тех пор, пока не спросят, чем говорить до тех пор, пока не попросят замолчать.**

*Восточная мудрость.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МАЪРИФАТ МУТААССИБЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ДЕМАКДИР



**Бугунги кунда глобаллашувнинг шиддатли тус олиши дунё миқёсида ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг тобора авжига чиқишига замин яратмоқда. Мана шундай бир шароитда тинчлик, барқарорликни сақлашда маънавият ва маърифатга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини доимо ёдда тутишимиз лозим: «Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни, албатта, яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади».**



Шу ўринда, маърифатнинг акси бўлган мутаассиблик ҳақида сўз юритсак. **Мутаассиблик муайян ғояларнинг мутлақ тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, ўзгаларнинг фикри ва ўзгача қараш ҳамда ғояларга муросасиз муносабатда бўлишдир.** Диний жиҳатдан эса бу бошқа фирқа, мазҳабларни бутунлай рад этиш, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо, тўқнашувларни келтириб чиқаришга замин яратган. Қалби, онги заҳарланган ва мутаассибга айланган шахслар қилаётган ҳар қандай номақбул ишини тўғри деб ҳисоблайди. Мутаассибликнинг жирканч башараси дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган қўпорувчилик ва хунрезликларда яққол намоён бўлмоқда.

Дунёвий ва диний билимлар борасида соғлом дунёқарашни, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини англамаслик ҳам мутаассиблик ғояларининг тарқалишига замин яратиши мумкин. **Замонавий манбаларда бу ҳодиса «фанатизм» номи билан келтирилади.** Мутаассиб хатти-ҳаракатлари ва қарашларида ҳаддан ошувчи, қарашларининг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, кўр-кўрона ёқловчи, фикрида қатъий турувчи, бошқалар фикрини ноҳақ деб билувчи шахс сифатида ўз фикрини амалда кўрсатишга ҳаракат қилади.



Ташвишланарли жиҳати, мутаассиблар динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, динни нотўғри талқин қилиш билан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпорувчилик ва ғаразли манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилишади.

Экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби мутаассиб фикр ҳамда қарашларнинг пайдо бўлишидир. Шу тариқа, мутаассиблик экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Мутаассиблик давлат ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси, масалан, илмий, ижтимоий, ақидавий соҳалар ҳамда дин ва жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир. Унинг энг кенг тарқалган кўриниши диний мутаассибликдир. Бунда динни тушунмаслик, уни била туриб манфаатлари йўлида нотўғри талқин этиш, бирёқлама – жангарилик шаклида намоён қилиш каби салбий хусусиятларни ўз ичига олади. Инсоният диний мутаассибликдан кўп маротаба азият чекканлигига тарих гувоҳ.

Мутаассибликнинг пайдо бўлишига диний зиддиятлар, шу билан бирга, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмагани ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ислом дини мутаассибликка хайрихоҳлик билдирмайди. Аксинча, теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан муросали бўлишга чақиради. Ҳозирги нозик ва айни пайтда, ўта мураккаб шароитда ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи иллатларга қарши маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этади.

Экстремизм, халқаро терроризм ва мутаассибликка қарши курашда маърифатни тарғиб этиш ғояси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқаро миқёсдаги маърузаларида бош мавзуга айланган. 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани, уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганини, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини алоҳида таъкидлаган эди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилар экан: «Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган... Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз», дея алоҳида таъкидлаган эди.

Жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши дунёда кескин бурилиш ясамоқда. Инсоният мутлақо ўзгача муҳит, янгича талаб ва илгари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кучайган бир шароитда яшашига тўғри келмоқда. Дунёда кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Турли минтақа ва давлатларда содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар баъзи ҳолларда бузғунчи кучлар қўлида зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай, тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатяпти. Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятларнинг емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатларнинг илдиз отишига замин яратмоқда.

Бундай мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний қадриятларни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан биридир. Зеро, ўзгариб бораётган дунё манзараси ва унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, вужудга келаётган таҳдид, хавф-хатарларга қарши курашда бутун жамиятни сафарбар этиш мамлакат келажаги ҳамда тараққиётининг муҳим шартидир.

Жаҳолат нафақат диний шаклда, балки дунёвий, даҳрийлик кўринишида ҳам намоён бўлади. Бундай иллатларга қарши маърифат асосида кураш олиб бориш, маънавият масаласи ўзбекистонлик барча соғлом фикрли кишиларнинг виждон ишига айланишини давр тақозо этмоқда.

Маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилидир. Шу боис инсон маънавий олами, халқимиз маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш ҳамда жаҳон илм-фани ютуқлари, умумбашарий тараққиёт тажрибалари асосида ёвуз, бузғунчи ғояларга қарши маърифат билан курашда долзарб аҳамият касб этади.

**Мансур МУСАЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.**

# ВНИМАНИЕ К БУДУЩЕМУ

сумов получила Гулхаё. На эти деньги она купила шесть швейных машинок и обеспечила работой себя и еще 13 женщин. Одна из них – Зарина Тураева, она надомница, ухаживает за сыном-инвалидом и вносит свой вклад в семейный бюджет.

Гулхаё Юнусова в основном шьет футболки, детские и взрослые вещи, излишки продукции продает на рынке. В будущем планирует наладить экспорт производимых товаров.

Мы посетили также дом Гулистон Рузиевой, которая занимается птицеводством. Она получила кредит в размере 8 миллионов 600 тысяч сумов и стала выращивать бройлерных цыплят. В свободное время ей помогает сын Адизбек. Гулистон довольна своей работой и заработком, который приносит в семью.

## КОГДА РЕЧЬ ЗАХОДИТ О ЦИФРАХ…

Заместитель хокима района Л. Шарипова рассказала нам о проделанной работе:

– В народе говорят: «Под лежачий камень вода не течет». Наша группа зарегистрировала 2077 проживающих в махаллях женщин, подходящих под категории: мигрантки; склонные к совершению преступлений и правонарушений; оказывающие негативное влияние на воспитание и нравственность детей; состоящие на учете в медицинских учреждениях; безработные; члены малообеспеченных семей; состоящие на учете в отделе пробации. Была создана система по работе с ними, организованы выездные приемы, налажено сотрудничество с банками по решению вопросов трудоустройства. В результате 129 женщин получили льготные кредиты. Большинство из них открыли на эти деньги швейные цеха, теплицы, занялись птицеводством, пчеловодством. 191 женщина начала предпринимательскую деятельность, 516 – устроились на работу, 87 – были привлечены к оплачиваемой общественной работе, 150 – выплачены страховые взносы.

В целях реализации опыта Бухары была внедрена концепция «Внимание к женщине – внимание к будущему», в рамках которой проводится множество мероприятий, профилактических бесед. Вынесен на изучение вопрос работы с женщинами, уехавшими за рубеж на длительное время. В ходе проведения этой работы в Вабкентском районе было выявлено, что 22 женщины выехали за рубеж из-за материальных проблем, две – в связи с нездоровой атмосферой в семьях. Главное, что были возвращены домой 85 женщин, уехавших за рубеж на длительное время. Принимаются меры по выделению им льготных кредитов и устройству на работу.



## ЕСЛИ ВСЕ ВРЕМЯ ОСУЖДАТЬ, БУДЕТ ЕЩЕ ХУЖЕ

К сожалениею, бывает, что женщины, не уважая себя, в поисках легкого заработка опускаются на дно общественной жизни. В целях предупреждения подобных ситуаций совместно с соответствующими организациями в 44 махаллях проводятся духовно-просветительские мероприятия, ярмарки вакансий.

Если все время только осуждать, будет еще хуже. Нужно изучать причины совершения негативных поступков, оказывать помощь для возвращения в нормальную жизнь, чтобы человек смог начать жить по-новому. В результате совместной работы с отделом внутренних дел, специалистами научно-практического исследовательского центра «Оила», представителями духовенства, активистами и аксакалами махалли, специалистами по вопросам женщин были изучены проблемы 208 семей. Благодаря решению их проблем 12 семей обеспечили работой, двум – предоставили льготные кредиты, шести – выдали материальную помощь. Несовершеннолетние дети из двух семей размещены в дошкольные образовательные учреждения, дети из семи семей теперь посещают различные кружки. Пришли к примирению 10 семей, стоявших на грани развода, и 53 семьи, в которых происходили конфликты. 84 гражданам была оказана юридическая помощь, 53 – психологическая. За 27 семьями закреплены наставники. Помимо этого, 12 граждан прошли медицинский осмотр, 14 – помещены в лечебные учреждения, двое – направлены в санатории.



Проблему каждой из 15 женщин, совершивших правонарушения и преступления в районе, изучила комиссия. В результате три женщины обратились с просьбой решить жилищный вопрос, одна – получить путевку в санаторий, десять – обеспечить работой. В настоящий момент принимаются меры по положительному решению их обращений. Также изучены проблемы шести женщин, имеющих психические отклонения и пристрастившихся к спиртному. Стало известно, что у двоих из них имеются семейные проблемы, одна нуждается в психологической помощи, еще одна – в лекарствах. Чтобы помочь им, квалифицированные наркологи районного медицинского объединения, психологи, представители махалли и аксакалы посетили их дома. Была оказана помощь в решении обозначенных проблем.

Из всего вышесказанного видно, что в Вабкентском районе продолжается работа по внедрению опыта Бухары в целях раннего предупреждения правонарушений и преступности среди женщин.

**Мирзокул АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Бухарская область.*







САҲИФАДА – НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

# ДАВР ТАЛАБИ ШУНДАЙ




**Давлат идораларига мурожаат билан келган ҳар бир фуқаро ўз муаммосига ечим излайди, адолат истайди. Сир эмаски, мурожаат ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилса, одамларнинг мазкур давлат органига ишончи ортади.**

– Ҳар бир мурожаат ортида инсон, унинг уй-ташвишлари турибди. Унга бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – дейди Навоий вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Р. Турсунов. – Ўтган йил давомида вилоят ички ишлар органларига қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш диққат марказимизда бўлди.

Рақамларга эътибор берсак,

**2019 йил мобайнида вилоят ички ишлар органларига жисмоний ва юридик шахслардан 6852 та мурожаат келиб тушган. Шундан 4328 таси қаноатлантирилган, 2121 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.**

Мурожаатларнинг мазмун-моҳияти турлича бўлиб, кимдир паспорт тизими бўйича, кимдир эса оила-турмуш доирасидаги келишмовчиликлар, яна кимдир қидирув ёки дастлабки тергов ва суриштирув масалалари юзасидан мурожаат қилган.

Жумладан, Навбаҳор туманида туғилган Н. Тиллаева биометрик паспорт олиш борасида мурожаат қилган бўлса, карманалик Ш. Шокирова Навоий шаҳар ҳудудига доимий пропискага қўйиш масаласида ёрдам сўраган. Ҳар иккала мурожаат ҳам белгиланган муддат ичида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган.

М. Седова Навоий шаҳрида яшайди, I гуруҳ ногирони. 2019 йил 10 декабрь куни унинг ўғли Сергей Коковин онасига янги намунадаги паспорт олишида ёрдам сўраб мурожаат қилган. Айни вақтда С. Коковин мамнун. Негаки, масъул ходимлар унинг уйига бориб, онасига янги биометрик паспорт расмийлаштириб беришган.

Қизилтепалик О. А. 2014 йилда ишлаш мақсадида вилоятдан чиқиб кетган. Яқинлари аввалига унинг Россияда ишлаб юрганидан хотиржам бўлишган. Аммо сўнгги бир йил давомида ундан ҳеч қандай хабар бўлмагач, оила аъзолари хавотирга тушиб, вилоят ИИБга мурожаат қилган. Ходимлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида қисқа фурсат ичида у оиласи бағрига қайтарилган.

Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она» деган гап бор. Навоий шаҳрида яшовчи С. Петsecurityванинг қўшнилари унинг болалари қаровсиз, назоратсиз қолаётгани, онанинг спиртли ичимликка муккасидан кетиб, уч нафар фарзандини ўз ҳолига ташлаб қўйганига бефарқ қараб туришмади. Улар ички ишлар органига мурожаат қилиб, қўшнисини мажбурий даволанишга юборишни сўрашди. Қўшниларнинг мурожаатлари ўрганилиб, аёлни мажбурий даволанишга юбориш бўйича тегишли чоралар кўрилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган. Фарзандлари Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га жойлаштирилган.

– Жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар халқимизнинг онгу тафаккурида намоён бўлмоқда, – дейди Навоий вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси бошлиғи, подполковник А. Абдураимов. – Жойларда ўтказилаётган профилактик тадбирлар, айниқса, очиқ мулоқотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, амалдаги қонунларимизни яхши билса, ортиқча ташвишга, оворагарчиликка ўрин қолмайди. Жорий йил бошидан мурожаатлар билан ишлаш сифатини яхшилаш, халқни рози қилиш, одамларнинг давлат органларига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида зарур вазифалар белгилаб олинди. Ички ишлар органларига тушган мурожаатларнинг ўз вақтида тўлиқ кўриб чиқилиши устидан назорат ўрнатилган.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, айни вақтда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилни амалда қарор топтириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоли масалаларни жойида кўриб чиқиб, ҳал этиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Бу эса фуқароларнинг ташвишини енгиллатиш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга омил бўлаётир.

– Ўтган йил давомида қирққа яқин сайёр қабуллар ташкил этилиб, вилоят марказидан олис ва чекка ҳудудларда яшовчи аҳолидан тушган 617 та мурожаат ўрганиб чиқилди. Уларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди, – дейди подполковник А. Абдураимов.

Ана шундай сайёр қабулларнинг бирида Нурота туманида яшовчи Д. Шакарова ўзининг ногирон эканлиги, оилавий шароити қийинлигини, айни вақтда яшаш хонадони қурилиши тугалланмаганини билдирган. Унинг аризаси жойига бориб ўрганиб чиқилиб, ҳомийлар кўмагида зарур қурилиш материаллари етказиб берилган.

Мурожаатлар орасида ички ишлар органлари фаолияти, жумладан, ходимларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар ҳам учрайди. Шуни таъкидлаш ўринлики, қайси масалада ёки қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмади. Зеро, шитоб билан янгиланаётган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари билан қатъий ҳимоя қилинаётган айни давр талаби шундай.

**Нигора РАҲИМОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Навоий вилояти.*

ҒАМХЎРЛИК

# ХОДИМЛАР ЯНГИ УЙЛАРДА

– Янги йилнинг дастлабки ойи оиламиз учун қувончли келди, – дейди Навоий вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси юридик таъминлаш бўлими юрисконсульти, майор Азиз Нурматов. – Барча шароитларга эга янги уйга кўчиб ўтдик.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда инсон омилига эътибор ошиб бормоқда. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида қатор хайрли ишларга қўл урилди.

Яқинда Навоий шаҳрида бунёд этилган кўп қаватли турар жой бинолари вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига вилоят ҳокими Қобул Турсунов томонидан тантанали равишда топширилди. Кўркам ва замонавий инфратузилмага эга бўлган 180 хонадондан иборат янги уйлар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига беҳад хурсандчилик бахш этди.






– Ички ишлар органлари тизимида ўтказилганислоҳотлар натижасида соҳа ходимларининг хизмат вазифасига масъулияти оширилди. Шу билан бир қаторда, уларнинг яшаш ва хизмат шароитларини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш мақсадида кунни тунга улаб хизмат қилаётган осойишталик посбонларининг заҳматли меҳнати Юртбошимиз ҳамда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан доимо қадрланиб келяпти. Янги уйларга эга бўлган ходимларимиз эндиликда ўз вазифасига икки карра масъулият билан ёндашиши шубҳасиз, – деди Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Шуҳрат Абдумуратов.

Дарҳақиқат, янги уйга янги орзулар билан қадам қўйган ходимлар кўрсатилган ғамхўрликдан бениҳоя мамнун.

– Янги уйларда тўйлар, яхши кунлар бўлаверсин, – деди вилоят ҳокими Қобул Турсунов тантанага айланган тадбирда хонадон соҳибларини самимий қутлаб. – Хонадонингизни фарзандлар кулгуси тўлдирсин, бахт қуёши ҳамиша порлаб турсин.

**Ўз мухбиримиз.**

ERTAKLAR – YAXSHILIKKA YETAKLAR

## IKKI DO'ST VA AYIQ



Ikki do'st o'rmonda aylanib yurganlarida to'satdan ayiqqa duch kelib qolishibdi. Ulardan birinchisi shoshib daraxtga chiqib olibdi va ayiqning changalidan qutulib qolibdi.

Ikkinchisi esa, hech narsa qo'lidan kelmasligini bilib, o'zini o'lganga solib yotib olibdi.

Ayiq yerda yotgan kishining oldiga kelib, qulog'ini hidlabdi. Hatto uni turtib ham ko'ribdi. Uni o'lgan deb o'ylab, ketib qolibdi.

Ayiq ketgach, haligi kishining do'sti daraxtdan tushib kelib:

– Do'stim, ayiq qulog'ingga nima deb shivirladi? – deb so'rabdi.

– U menga: og'ir paytda tashlab ketadigan do'st bilan sayohatga chiqishni yaxshilab o'ylab ko'rmabsan-da, dedi, xolos, – deb javob beribdi do'sti.

**Qissadan hissa:** do'stlik kulfatda sinaladi.

# BOLAJON
## SAHIFASI

## MOHIR QO'LLAR

Jajji bolajonlarning qo'llari yaxshi rivojlanishi uchun mayin plastilin bilan ishlash juda foydali. Tayyor plastilin sotib olishga shoshilmang. Istasangiz, uyda arzon masalliqlar yordamida mustaqil ravishda ham tayyorlasa bo'ladi.

Buning uchun 1 stakan makkajo'xori uni, 1 stakan makkajo'xori kraxmali, soch parvarishi uchun ishlatiladigan konditsioner suyuqligi kerak bo'ladi. Unni kraxmal bilan aralashtiriladi va oz-ozdan konditsioner suyuqligi qo'shiladi. Massa elastik, cho'ziluvchan xamir holatiga kelguncha, taxminan, 3 daqiqa davomida qorishtiriladi.

Uyda tayyorlangan plastilin bilan ishlash juda ham oson. Undan cho'zish, qayirish va siqish yordamida har xil shakllarni bemalol yasash mumkin. Endi bolajonlar bemalol o'z mahoratinini ishga solishi mumkin.











## TOPISHMOQLAR

Daraxt emas, yaproqli,
Ko'ylak emas, etakli.
Odam emas so'zlaydi,
Turli kuylar kuylaydi.

Oq yer ochdim,
Qora bug'doy sochdim.





Sirti tayoq,
Ichi bo'yoq.




(Kitob). (Qog'oz, yozuv). (Qalam).

## O'ZINGIZ YASAB KO'RING

**Mandarin mevasi po'stidan mana shu tarzda go'zalliklar yaratish mumkin.**



### BO'SH KATAKLARNI TO'LDIRING

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Sayroqi qush | K | | | | | K |
| 2. Suv havzasi | K | | | | | K |
| 3. Tayoq | K | | | | | K |
| 4. Minnatdorman | Q | | | | | Q |
| 5. Xushchaqchaq | Q | | | | | Q |
| 6. Tuxumli taom | Q | | | | | Q |

## BOLALAR SHIFOKORI

Kokteyl kichkintoyning salomatligi uchun foydalidir. Ayniqsa, sut ichishni xohlamaydigan bolajonlar uchun ayni muddao. Uning tarkibidagi sut, kaltsiy, vitaminlar bolaning o'sishi va rivojlanishi uchun zarur tabiiy mahsulotdir. Bundan tashqari, kokteyl chanqovni yaxshi qondiradi, ayniqsa, issiq mavsumda. Sut o'rniga muzqaymoq ishlatish ham mumkin.

Kokteylning turlari ko'p, bolaga uning istagi bilan emas, ko'proq tibbiyot nuqtai nazaridan kelib chiqqan holda tayyorlagan ma'qul. Yosh organizm juda ta'sirchan bo'lishini unutmang. Mahsulotlarning sifatli hamda yangi bo'lishi muhim ahamiyatga ega. Kokteyl uchun ishlatadigan sut qaynatib, sovutib olinadi. Ishlatishdan avval ustidagi qaymog'i olib tashlanadi.

Uning ta'mini yaxshilash va yorqin rang berish uchun turli xil rezavorlar, mevalar, shokolad yoki murabbo ham qo'shish mumkin. Agar kokteyl sut bilan tayyorlansa, unga kivi, ananas va apelsin qo'shmang. Chunki u sutning tarkibidagi foydali xususiyatlarni parchalab yuboradi. Ko'pchilik bolajonlar bananli kokteylni yaxshi ko'rib iste'mol qilishadi. Buning uchun 1 dona bananni po'stidan ajratib, mayda bo'laklarga bo'linadi va blenderda maydalab olinadi. Ustiga 400 ml. sut qo'shib aralashtiriladi. Ta'bga ko'ra, bir oshqoshiq asal yoki shakar ham qo'shish mumkin.



Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.

ЗДОРОВЬЕ

# КОМУ ВРЕДНО ЕСТЬ МАНДАРИНЫ И ДРУГИЕ ЦИТРУСОВЫЕ?

**Цитрусовые считаются полезными. Они не содержат жиров, в них мало калорий, зато много полезных веществ. Однако, несмотря на наличие витаминов и антиоксидантов, мандарины, апельсины, грейпфруты и другие плоды могут вредить здоровью**



**Почему цитрусовые не стоит есть при болезнях желудочно-кишечного тракта?**

В мякоти мандаринов и других цитрусовых в большом количестве содержатся органические кислоты. Например, в грейпфрутах – около 45 мг, в мандаринах уншиу – около 30 мг, в мандаринах других сортов – обычно менее 20 мг. Поэтому употребление может негативно сказаться на здоровье людей, имеющих проблемы с кислотностью желудка. От чрезмерного употребления цитрусовых следует отказаться тем, кто страдает гастритом.

Индивидуальные реакции могут отличаться. В основном наблюдаются такие симптомы, как изжога, отрыжка и т. д. При снижении или повышении кислотности желудочного сока возможно развитие серьезных состояний и ухудшение общего самочувствия. К примеру, повышенная кислотность желудка может спровоцировать развитие эрозии, язвы желудка.

**Почему цитрусовые надо есть с осторожностью при диабете и лишнем весе?**

Диетологи также не рекомендуют злоупотреблять цитрусовыми людям, имеющим нарушение регуляции углеводного обмена. Включение их в меню должно быть очень рациональным и осторожным.

Например, мандарины богаты простыми сахарами. На 100 г этого продукта приходится 12 г углеводов, что эквивалентно по сладости трем чайным ложкам сахара. Одной-двумя мандаринками люди вряд ли обходятся, соответственно, можно посчитать, сколько простых сахаров за один раз получает человек. Если съесть мандарин на голодный желудок, то, по сути, в желудок попадает свежевыжатый сок, представляющий собой раствор пектинов и углеводов. В результате получается, что в организме резко поднимается уровень глюкозы в крови, в ответ вырабатывается инсулин, который должен транспортировать эту глюкозу в клетку. Если клетка в данный момент в энергии не нуждается, то все пойдет в запасы, а это чревато накоплением лишнего жира.

Мандарины, апельсины и т. д. следует употреблять в ограниченных количествах, отдавая предпочтение более кислым сортам. Самый полезный для диабетиков и людей с нарушением углеводного обмена – лимон. Он снижает уровень сахара, укрепляет стенки сосудов, стимулирует пищеварение и укрепляет сердечно-сосудистую систему.

**Какие симптомы аллергии на цитрусовые?**

Самыми частыми являются развитие кожного зуда, высыпаний, покраснения кожи, возникновение экземы и крапивницы. Иногда может отмечаться появление слезотечения, отека, гиперемии и зуда конъюнктивы глаз. Если подобные реакции проявляются после употребления цитрусовых, то от них лучше отказаться.

**Кому еще стоит есть меньше цитрусовых?**

При приеме бета-блокаторов врачи также не рекомендуют злоупотреблять цитрусовыми. Продукты с высоким содержанием калия, такие как апельсины, могут навредить людям, имеющим повышенный уровень калия в крови. Избыток этого микроэлемента развивается, если почки не выводят его в достаточном количестве.

## ЧТО НЕЛЬЗЯ УПОТРЕБЛЯТЬ НА ГОЛОДНЫЙ ЖЕЛУДОК

**Бананы**



В них содержится много магния. Бесконтрольное употребление этого фрукта на голодный желудок чревато рисками нарушения кальцие-во-магниевого баланса.

**Сырые овощи**

Содержат кислоты, которые в считанные секунды раздражают слизистую



оболочку желудка. Могут принести немало проблем людям с нарушением пищеварения.

**Кофе**



Утренний кофе на голодный желудок раздражает слизистую оболочку, повышает секрецию желудочного сока и способствует развитию гастрита.

**Цитрусовые**

Способны провоцировать аллергию и развитие гастрита. Поэтому перед тем, как выпить стакан цитрусового фреша, рекомендуется плотно позавтракать.

**Сладости**

С утра поджелудочная не способна выработать должное количество инсулина, что чревато повышением сахара в крови.

**Мясо**

Тяжелый продукт, особенно с утра, когда организм, не набравшись энергии, еще не в состоянии справиться с таким количеством белка.

# ПРОДУКТЫ ДЛЯ УКРЕПЛЕНИЯ ВОЛОС



**Жирная рыба.** Она насыщена полиненасыщенными жирными кислотами Омега-3, которые необходимы для здоровой кожи головы. Их нехватка может привести к сухости кожных покровов, а волосы будут выглядеть истощенными.

**Морковь.** Богата витамином А, необходимым для здоровья кожи головы и хорошего зрения. Чем лучше себя «чувствует» кожа головы, тем более блестящими и крепкими будут волосы!

**Зеленые овощи.** Здоровые волосы нуждаются в веществах, содержащихся в овощах. Шпинат, брокколи и капуста очень богаты витаминами А и С, необходимыми организму для



выработки достаточного количества кожного сала, которое служит для волос натуральным кондиционером.

**Мясо птицы.** Отличный источник белка и протеинов, постоянный дефицит которых может привести к тусклости и бесцветности волос.



**Бобовые.** Фасоль, бобы и чечевица очень важны для укрепления волос. Это не только великолепный источник белка, они также богаты железом, цинком, биотином. Иногда ломкость и хрупкость волос вызваны нехваткой биотина.

**Орехи.** Если хотите, чтобы у вас были сильные и здоровые волосы, нужно регулярно есть орехи.



**Яйца.** Совершенно неважно, какие яйца вы любите, – вкрутую, всмятку или яичницу. Яйца – суперисточник белка. В них также много биотина и витамина $B_{12}$.

**Цельное зерно.** Цельнозерновые хлеб и хлопья, обогащенные витаминами и минералами, вносят немалую лепту в дело укрепления волос. В первую очередь, благодаря значительному содержанию цинка, железа и витаминов группы В.



*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

**Подготовлено по материалам интернета.**

ВНУТРЕННИЙ ТУРИЗМ

# Воспитывая патриотизм

**Для активной молодежи Акалтынского района Сырдарьинской области была организована экскурсия в древний Самарканд**






В нашей стране проводится большая работа по организации содержательного досуга молодежи, воспитанию чувства патриотизма, формированию в сознании юношей и девушек иммунитета к чуждой идеологии. С этой целью группа инициативных, талантливых и целеустремленных молодых людей посетила с экскурсией город Самарканд.

Юноши и девушки побывали в обсерватории Улугбека и прослушали информацию о великом наследии, оставленном последующим поколениям правителем, ученым, просветителем Мирзо Улугбеком. Затем они посетили мавзолей Ходжи Данияра – место паломничества, насчитывающее тысячелетнюю историю, а также одно из величественных и красивых мест Самарканда – комплекс Бибихоним. В завершение экскурсии представители молодого поколения побывали на могиле Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова.

Поездка произвела большое впечатление на молодых людей и стала стимулом к проявлению ими еще большей активности.

**Соб. корр.**





СЛУЖБА ПРОФИЛАКТИКИ

# РЕЗУЛЬТАТЫ СОТРУДНИЧЕСТВА

***Взаимодействие инспекторов профилактики с населением дает свои положительные результаты в деле обеспечения безопасности, борьбы с преступностью и ее предупреждения***

На территории махалли Янгиёп Янгибазарского района проживает свыше двух тысяч человек. Основная часть трудоспособного населения работает на предприятиях, в организациях и учреждениях. Благодаря условиям, созданным в махалле для занятия предпринимательской деятельностью, эта сфера ускоренно развивается. С каждым годом растет число ремесленнических, швейных, кондитерских цехов, пунктов торговли, бытового обслуживания. В результате вопрос обеспечения жителей работой решается положительно.

Каждый понедельник и среду в здании схода граждан махалли с участием инспектора профилактики, его помощника по охране общественного порядка, домкомов и активистов подробно обсуждаются вопросы предупреждения преступности, обеспечения граждан работой, своевременной оплаты коммунальных услуг, проведения свадеб и других торжеств без лишней роскоши, единства в семьях, анализируются процессы миграции.



Спокойная атмосфера, царящая в махалле, способствует ее социально-экономическому развитию, мирной жизни и труду жителей. С каждым годом хорошеют гузары, улицы и скверы. Это стало возможно во многом благодаря активной работе инспектора профилактики капитана Ганижона Якубова, председателя схода граждан махалли Мурода Ортикова, специалиста по работе с женщинами и укреплению духовно-нравственных ценностей в семье Хонимжон Бобожоновой, помощника инспектора профилактики по охране общественного порядка Сирожа Рузметова, активистов Комилжона Аминова, Олимбоя Дустчонова, Хайитбоя Маматова.

Особое внимание уделяется улучшению социально-экономического положения людей. Предприниматель Фарход Рахимов наладил производство и реализацию продовольственной продукции, по инициативе Гулбахор Юсуповой был открыт швейный цех. Давронбек Матёкубов оборудовал детскую футбольную площадку, Собир Бойназаров – пекарню, Махмуджон Одамбоев – частную стоматологическую клинику. Трудолюбивые, самоотверженные махаллинцы шагают в ногу со временем и дают возможность работать и развиваться односельчанам.

Сплоченность и сотрудничество играют важную роль в достижении положительных результатов, решении любых проблем. Примером этому служит работа, проводимая в махалле Янгиёп Янгибазарского района.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**корреспондент «Postda».**
**Фото автора.**
*Хорезмская область.*

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# «ЧЎТАЛЧИ» ЧЎПОН



Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманилик А. Матмуса (исмлар ўзгартирилди) тирикчилик ўтказиш учун Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманига келиб жойлашади. Кўп ўтмай, оиласини ҳам кўчириб келади. У дастлаб ҳаммага тавозе билан икки қўлини кўксига қўйиб, ёш болага ҳам «сиз»лаб мурожаат этади. Кўпчиликнинг ишончига кириб олгандан кейин эса тап тортмай ўзганинг мулкини ўзлаштириб олишни бошлайди. Бунда унга маҳалладаги фуқароларнинг қўйларини боқиб бериш жуда қўл келади. Бирор тузукроқ, аниқроғи, «ёғли» иш излаб юрганида далада ўтлаб юрган қўйларни кўриб, кўзи қувнаб кетади. Уларни қандай қилиб қўлга киритишни ўйлайди. Қараса, қўйларни бир-икки ёш бола боқиб юрибди. Қўйларнинг эгасини суриштириб билгач, икки қўли кўксида унга мурожаат этади:

– Кеча ўғлингизни кўргандим, бир сурув қўйни боқиб юрган экан, ёш болага ишониб топширибсиз. Ҳарҳолда эҳтиёт бўлган яхши, – деди унга ачинган бўлиб.

– Маҳаллада подачи бўларди, Тошкентга бориб ишга жойлашганмиш, ноилож ёш болаларга топширяпмиз, – деди Ҳ. Ҳамидхўжа. – Бир юз олтмишта қўйни болалар амаллаб боқиб келяпти. Эрта-индин мактаб бошланса, нима қиламиз, деб бошим қотяпти.

– Менинг отам подачилик қилган, болалигимдан унга ёрдамлашганман, сурувни қандай боқишни яхши биламан. Келишсак, мен ўзим боқиб берардим...

Матмусанинг гапи оғзида қолди:

– Эртадан менинг уйимга келаверинг, – деди Ҳамидхўжа. – Подани сизга топшираман. Илгариги подачи бир қўй учун ойига уч минг сўмдан оларди, сизга беш минг сўмдан тўласам, рози бўласизми?

– Майли, баракасини берсин, рўзғор тебратиб туришга етса бўлди, – деди қўлини кўксига қўйиб Матмуса.

Орадан бир ойлар ўтиб, Матмуса одамлар қўй боққани учун бераётган пулга қаноат қилмай, билдирмай қўйларни сота бошлади. Дастлаб қўшни маҳалладаги Барҳаёт Эркаевга бозорда бир миллион сўмлик қўйни олти юз минг сўмга пуллайди.

– Эгаси билан келишганмисиз? – деди Барҳаёт Матмусага.

– Бу қўй менга бериладиган чўтал ҳисобидан, олиб кетаверинг, – деди Матмуса пинагини бузмай.

Маҳаллада андижонлик киши подачилик қилаётганмиш, деган гап тезда тарқалди. Унга ўнта, йигирмата қўйини олиб келиб топширганлар сони ўндан ортди.

Шу маҳаллада яшовчи А. Зиёвиддиннинг ишончига кирган Матмуса унинг ўнта қўйини боқиш учун олади.

Орадан ўн кунлар ўтиб, арзон қўйнинг исини олган Барҳаёт яна келади. Матмуса бу гал унга Зиёвиддиннинг саккиз юз минг сўмлик қўйини беш юз минг сўмга «барака» қилади. Зиёвиддин унга роса ишонганидан қўйлари нима бўляпти, деб хабар ҳам олмайди. Бундан фойдаланган Матмуса ўнта қўйнинг ҳаммасини арзон-гаровга пуллаб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Қўйларни яхши боқяпман, анча семириб қолди, деб ундан хизмат ҳақини олаверади. Шу маҳаллада яшайдиган. Икромхўжанинг олти бош қўйини икки-уч ой боқиб, сотиб юборади ва олти ойгача хизмат ҳақини олиб юради.

Матмусанинг подачилигини эшитган Т. Тоҳиров йигирмата қўйини ҳайдаб келади.

– Йил охиригача қўйларингиз икки ҳисса кўпаяди, – дейди Матмуса яна бир лақма тузоққа тушганидан севиниб.

– Қўйларнинг ярми эркак-ку, – ҳайрон бўлиб сўрайди Т. Тоҳиров.

– Совлиқларингиз зотли экан. Мен иккитадан қўзи олиш сирини биламан, келаси йил бир пода қўйни ҳайдаб кетасиз, – дейди Матмуса қўлини кўксига қўйиб.

Т. Тоҳиров бу гапдан эриб кетиб, ҳар бир қўй учун бошқалардан минг сўм кўп тўлашини айтади. Кейин қўйлар адашиб кетмасин учун бўёқдан белги қўяди.

Орадан олти ойлар ўтиб яйловга хабар олгани келган Т. Тоҳировнинг фиғони фалакка чиқади. Чўпон унга икки баравар кўпаяди, деган қўйларининг ярми йўқ эди. Қўйлардан ўнтасини аллақачон пуллаб бўлган Матмуса эгаси суриштириб келганидан ҳайиқмай:

– Қўйларингиз ҳаммаси жойида мен ўз чўталимни олдим, қолгани ўтлаб юрибди, – дейди бўзрайиб.

– Қанақа чўтал, мен сенга нақд пул тўлаяпман-ку, – тутоқди Т. Тоҳиров.

Жанжал бошланиб, туман ИИБгача боришади. Т. Тоҳиров билан бўлган воқеани эшитган бошқалар ҳам келиб қўйларини санай бошлайди.

Ички ишлар органлари ходимлари иштирокида Матмусанинг боқиш учун олган қўйлари тафтиш қилинади. Тергов давомида Матмусанинг етмишдан ортиқ қўйни сотиб, сўйиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани аниқланади. Жабрланувчиларга жами эллик беш миллион сўмга яқин моддий зарар етказган Матмуса пулларнинг бир қисмини қайтаради. Ишониб топширилган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ҳамда фирибгарлик жиноятларини содир этган Матмуса қонун олдида жавоб берди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод тумани судида «чўталчи» чўпоннинг иши кўриб чиқилиб, тегишли жазо тайинланди.

**Фахриддин ЭШҚУЛОВ,**
**катта лейтенант.**
**Садриддин ШАМСИДДИНОВ,**
**«На посту» мухбири.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ҚАЛЛОБНИНГ ТАНОБИ ТОРТИЛДИ

## ёки Бухорода инвесторнинг ҳуқуқлари тиклангани ҳақида



**Туркия фуқароси Хусаметтин Гирапчи икки йил поймол бўлган ҳуқуқларини тиклаш учун, тўрт йил эса ўз омонатини қайтариб олиш илинжида сарсон-саргардон бўлди. Охир-оқибат адолат қарор топиб, нияти нопок кимсалар ўз жазосини олди. Аммо бу орада бир нотавоннинг қинғир қилмиши сабаб юртимиз тадбиркорларига яқиндан туриб кўмаклашиш истагида бўлган қанчадан-қанча Гирапчига ўхшаган сармоядорларнинг фикри ўзгарган бўлиши мумкин...**

Воқеалар ривожи қуйидагича кечганди. 2012 йил ўрталарида Хусаметтин Гирапчи ўзининг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ниятида бухоролик А. И. билан келишган ҳолда, Туркия давлатининг «UZ LIDER PLASTIK HUSAMETTIN GRAPCI» фирмаси тасаруфида «LEADER PIPE» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонасига асос солади. Пластик қувурлар ишлаб чиқариш мақсадида Бухорога хорижлик ҳамкор кўмаги билан қатор ускуналар олиб келинади. Уч йиллик фаолият даврида корхона мўмайгина даромад орттиради. Аммо фойданинг катта қисми лойиҳа ташаббускорига тегаётгани А. И.ға ёқмайди. У бир амаллаб бутун корхонани ўзиники қилиб олиш пайига тушади.

2015 йилда бу «уддабурон» қўшма корхонани қалбаки ҳужжатлар асосида масъулияти чекланган жамиятга айлантиради. Илгарироқ А. И.га осон бўлсин, деган мақсадда керакли ҳолларда ишлатиш учун оқ қоғозга имзо ва муҳр қўйиб берган Хусаметтин Гирапчи ҳамкорининг мақсади бутунлай бошқача эканини тасаввур ҳам қилмаганди. Устамон А. И. сармоядорнинг бор улушини ўзлаштириб олиб, бировнинг ҳаққига хиёнат қилади.

Унинг учун ўзга юрт вакилини 195530 АҚШ долларига чув тушириш хамирдан қил суғургандек осон кечади. Бундан руҳланган, чоғи, энди корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни умуман кирим қилмасдан, ўз харидорларига пуллаб, давлат манфаатларига ҳам 2013–2017 йилларда солиқ тўлашдан бўйин товлаш эвазига жами 65 миллион сўмдан зиёдроқ зарар етказади.

Гирапчининг даъво аризасига кўра, устидан жиноят иши қўзғатилган А. И. вазиятни ўз фойдасига ҳал қилиш мақсадида кирмаган идораси, ёзмаган юқори турувчи ташкилот қолмади. Худдики у доно-ю, ўзгалар нодондек, айбини хаспўшлашга уринди. Солиқ, банк, ички ишлар органлари ходимлари устидан мағзава тўкишга интилди. Аммо адолатнинг юзига парда тортиб бўлмаслиги судда очиқ-ойдин ўз исботини топди.

Суд жараёнида А. И. ўзининг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 228-моддаси 1, 3-қисмлари, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган, деб топилди.

Содда қилиб айтганда, у ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган. Ушбу ниятини амалга ошириш учун ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаган, уларни қалбакилаштирган. Бундан ташқари, солиқларни тўлашдан бўйин товлаган. Бунинг устига, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Албатта, қонун устувор бўлган мамлакатимизда юрт равнақи йўлида хизмат қилишни истаган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида. Бугун хорижлик сармоядорларга кенг имконият тақдим этилаётган бир пайтда уларга нисбатан қилинган қонун бузилишларига панжа ортидан қараш мумкин эмас. Бундай ҳамкорларни давлатимиз доимо ҳимоя қилади, улар учун барча имкониятларни тақдим этади.

Инсоф бўлган жойда барака бўлади. Бировнинг ҳаққи ҳеч қачон бошқага буюрмайди. Аммо А. И.га ўхшаган виждони ўрнини жиғилдон эгаллаб олган кимсалар бу нақлларнинг маъносини ғишт қолипдан кўчганидан сўнггина англайди...

**Ойбек ПРИМОВ,**
**Бухоро шаҳар ИИОФМБ 1-сонли ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳи катта терговчиси, майор.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# СОЧ НЕГА ТЎКИЛАДИ?

Сочларнинг тўкилиши табиий физиологик жараёндир. Бир тола соч тахминан уч йил ўсади, кейин янгисига ўрин бўшатиб бериш учун тўкилади. Бир кунда тахминан 100 та соч толасидан маҳрум бўламиз. Одамнинг бошида ўртача 50–150 мингта тола борлигини ҳисобга олсак, бу унчалик кўп эмас. Аммо баъзида табиий тартиб бузилиб, сочлар одатдан ташқари кўп ва жадал тўкила бошлайди. Қисқа вақт ичида соч жуда сийраклашиб, ҳатто улар орасидан бош териси кўриниб қолади.

Сочнинг меъёрдан ортиқ тўкилишига қуйидаги сабабларни келтириш мумкин:

1. Сурункали руҳий тушкунлик, ортиқча асабийлашиш, депрессия ҳолати бош терисидаги қон айланишига салбий таъсир кўрсатади.

2. Қатъий парҳез тутиш оқибатида. Қисқа вақтда вазннинг кескин камайиб кетиши организм учун кучли зарбадир. Бунда иммунитет тушиб кетади, соч тўкилиши кузатилади. Агар бунга шамоллаш ва юқумли касалликлар ҳам қўшилса, организмнинг ўзини тиклаши жуда қийин кечади.

3. Қалқонсимон без билан боғлиқ муаммо юзага келганда.

4. Нотўғри парвариш. Соч учун мос келмайдиган воситалардан фойдаланиш, сочни қуритиш ва турмаклашга мўлжалланган электр асбоблар (фен, плойка ва дазмол)ни кўп ишлатиш ҳам яхши натижа бермайди.

5. Айрим дори воситаларини қабул қилиш чоғида ҳам мазкур ҳолат кузатилиши мумкин. Даволаниш муддати тугаганидан сўнг сочлар яна ўз ҳолатига қайтади.



6. Камқонлик. Агар ўзингизда серуйқулик, умумий ҳолсизлик, атрофдаги нарсаларга бефарқлик ҳолатини сезсангиз, дарҳол қондаги гемоглобин миқдорини таҳлил қилдиринг.

7. Организмда витамин ва микроэлементларнинг етишмаслиги ҳамда нотўғри овқатланиш. Бунда, аввало, темир моддасини ўзлаштиришга ва коллаген (у сочларни озиқлантирувчи капиллярларни мустаҳкамлайди) ишлаб чиқарилишига хизмат қилувчи С витамини, соч толаларини нозик ва синувчан бўлиб қолишдан сақловчи В витамини ҳамда бошқа фойдали микроэлементлар муҳим аҳамиятга эгадир.

8. Об-ҳавонинг кескин ўзгариши ҳам соч тўкилишига сабаб бўлувчи омиллардандир. Қишки совуқ ҳаво ва ёзги ультрабинафша нурларнинг таъсири соч толаларини нозиклаштириб қўяди. Шунинг учун ҳар қандай фаслда мавсумга мос бош кийим кийиб юришни унутманг.

9. Энг кўп тарқалган ҳолат наслдан-наслга ўтувчи соч тўкилиши ҳисобланади. У ҳам она, ҳам ота тарафидан ўтиши мумкин.

10. Бош териси билан боғлиқ касалликлар (псориаз, замбуруғли инфекция, себореяли дерматит) ҳам юқоридаги нохуш ҳолатни келтириб чиқаради.

11. Ҳудуддаги экологик вазият. Ифлосланган ҳаво, радиация даражасининг ортиб кетиши инсоннинг умумий саломатлигига, жумладан, сочларга ҳам зарар етказади. Хавфли кимёвий моддалар билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти ҳам қалин ва соғлом сочлар билан хайрлашишга сабаб бўлиши мумкин.

12. Гормонал ўзгаришлар. Гормонлар нафақат бутун организмга, балки сочларнинг ҳолатига ҳам таъсир қилади.

Баъзида инсонларнинг ўзи организмини заҳарлайди. Зарарли одатлар қаторига кирувчи чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳам соч тўкилишига олиб келади. Тамаки ҳам, алкоголь ҳам юрак-қон томир тизимига зиён етказади: майда капилляр томирларнинг фаолияти ёмонлашади ва соч фолликулаларининг озиқланиши бузилади.

Таъкидлаш жоизки, тиббий текширув, хулоса ва таҳлилларсиз сочлар нима учун тўкилаётганини аниқлаб бўлмайди. Бу нохуш ҳолат зудликда даволанишни талаб этувчи жиддий хасталиклардан хабар бераётган бўлиши мумкин. Шу сабабдан соғлиқни хавф остига қўйиб, ушбу муаммони косметик воситалар ёки халқ табобати ёрдамида мустақил бартараф этишга уринманг. Бу билан вақтни ўтказиб, касалликни кучайтириб юборишингиз мумкин. Соч тўкилиши муаммосига дуч келсангиз, албатта, шифокор ва мутахассисларга мурожаат қилинг.

**Гулчеҳра АЗИМОВА**
**тайёрлади.**

# ОЗДИРАДИ, ЁШАРТИРАДИ, ҚОННИ КЎПАЙТИРАДИ



**Турпда барча витаминлар, жумладан, калий, кальций, темир ва магний борлиги сабабли энг сара дармондори ўрнини боса олишига шубҳа йўқ. Беҳоллик, кайфият тушиши, мушакдаги оғриқдан қийналаётган бўлсангиз, овқатдан олдин икки ошқошиқдан турп шарасини қабул қилинг. Ўт йўлларида сафро йиғилиши, хотира панд беришидан азият чекадиганлар ҳам турпни тез-тез истеъмол қилиб туриши керак. Биз билган яшил навли турпдан ташқари, сабзавотнинг қора ва оқ тури ҳам бор. Қора турпни топа олсангиз, бел оғриғи, тери тошмаларидан қутулдингиз, ҳисоб. Бу сабзавотдан турли компресслар тайёрлаш мумкин. Оқ турп – дайкон эса ўт йўлларини тозаловчи ажойиб восита. Уни салатларга қўшиб истеъмол қилинг.**

## КАМҚОНЛИК ҚИЙНАСА...

Бунинг учун турп хомлигича қирғичдан ўтказилиб, сувини сопол идишга солиб, паст оловда ярим соат сақланади. Шифобахш малҳамни кунига уч маҳал, бир ошқошиқдан овқатдан 15 дақиқа олдин ичинг, бир ойда шифо топасиз.

## ЎПКА КАСАЛИ ВА АЛЛЕРГИЯДА

Турпни қирғичдан ўтказиб, шиша идишга солинг ва устини маҳкам ёпинг. Ярим соатдан кейин устингизни қалин ўраб, идишга оғзингизни қўйиб, беш дақиқа нафас олинг. Муолажани кунига икки маҳал, эрталаб ва кечқурун ўтказиш фойдали.

## БЕЛ ОҒРИҒИДА

Турпни майда қириб, бир ошқошиқ туз ва асал билан аралаштириб, икки



қават дока орасига жойланг. Сўнг оғриётган жойга қўйиб, боғлаб қўйинг. Бир соатдан кейин компрессни олиш мумкин.

## САРИҚ КАСАЛИДА

Турп қонни тозалаш хусусиятига эга. Шунинг учун сариқ касали билан оғриган беморлар янги сиқилган турп шарасини ҳар куни овқатдан ярим соат олдин ярим пиёладан ичишлари шарт.

## СОЧ ТЎКИЛИШИДА

Турп шарасини асал билан аралаштириб, соч илдизига суртинг. Устидан сочиқ ўраб, бир соатга қолдиринг. Сўнг бошни илиқ сувда чайиб, ортидан зайтун мойидан суртасиз. Шампунь билан ювиб бўлгач, сочни ўз ҳолича қуришига қўйиб беринг. Муолажани ҳафтасига икки марта ўтказиш кифоя.

## ВАЗН МУАММОСИ ТУҒИЛГАНДА

Озмоқчи бўлганлар турпни, албатта, овқатдан олдин ейишлари керак. Гап шундаки, турп таркибида клетчатка бўлиб, ошқозонни тез тўлдиради. Турпни майдаланган ёнғоқ ва анор доналари билан бирга есангиз, иммунитетни кўтариш, эркакларда эса простатитни даволашга имкон бўлади.

## ЮЗДАГИ ТОШМА ВА ДОҒЛАРДА

Юзни тозаловчи тоник билан артиб, турп шарасини суртсангиз, анчадан бери қийнаётган сўлғинлик, рангпарлик, ҳар хил доғлар ва қизил тошмалардан осон қутулиш мумкин.

## ЙЎТАЛДА

Кечқурун турпни бир томонидан ўйиб «коса» ҳосил қилинг-да, ичига икки чойқошиқ асал ёки шакар солиб, устини ёпиб қўйинг. Эрталаб очсангиз, асал эриб, ажойиб таъмли малҳам тайёр бўлганини кўрасиз. Бундай қиём болажонларга ҳам маъқул келади. Кун бўйи бир қошиқдан ичиб юрсангиз, йўталдан қутуласиз.

## ҲАШАРОТ ЧАҚҚАНДА

Турп бўлаги, айниқса, қовоғарининг чақишига қарши ажойиб даво бўла олади. Шунингдек, унинг шарасини ичсангиз, чаққан жойдаги шиш тез йўқолади.

## ИСИТМА КЎТАРИЛГАНИДА

Турп шарасини бир чимдим туз билан аралаштириб ичилса, тана ҳарорати тез тушади, яллиғланиш бартараф этилади.

**Муқаддас ОРИФЖОНОВА**
**тайёрлади.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси ва марказий тиббий муассасалар шахсий таркиби ҳамда фахрийлари бошқарма бошлиғининг ҳарбий сафарбарлик ва фуқаролар муҳофазаси бўйича ёрдамчиси – шифокор, катта лейтенант Рустам Муродовга падари бузруквори

**ҒОФУРЖОН отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Зомин тумани ИИБ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ғулом Исоқовга опаси

**МУҲАББАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши бошқарма Ташкилий бошқармаси юридик таъминлаш бўлими ҳуқуқий экспертиза гуруҳи етакчи юрисконсульти, майор Камолиддин Ҳайдаровга турмуш ўртоғи

**ХУРШИДАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши бошқарма ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими кичик инспектор-кинологи, кичик сержант Ғуломжон Кулиевга падари бузруквори

**БАХТИЁР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Жиззах шаҳар ИИОФМБ 3-сонли ИИБ ҲПГ таянч пунктлари профилактика бўйича катта инспектори, капитан Бекзод Ғаффоровга ҳамда бошқарма ППХ ва ЖТСБ сафдор-ходими, сафдор Шерзод Ғаффоровга падари бузруквори

**ҚАҲҲОР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

# «ОЦЕНИЛА» МЛАДЕНЦА

**Вопиющий случай, связанный с попыткой продажи младенца, произошел в Алтынкульском районе Андижанской области. Оперативники задержали 24-летнюю женщину, которая пыталась «реализовать» своего годовалого сына за 10 тысяч долларов**



…Жительница Шахриханского района Шаходатхон А. мечтала быть богатой и счастливой. Но жизнь складывается не всегда так, как мы хотим. Девушка вышла замуж. С мужем прожила чуть больше года, но не сложилось – начались семейные скандалы, затем последовал развод. Шаходатхон вернулась в родительский дом с младенцем на руках.

Отец был тяжело болен, нужны были деньги на лечение, да и поднимать ребенка нелегко. Шаходатхон бралась за любую работу, но толку от этого было мало.

Однажды она встретила свою бывшую одноклассницу, Ойзоду. Та сидела за рулем новенького «Спарка», увешанная ювелирными украшениями. Ойзода обняла подружку и стала рассказывать, что уже третий год работает в Турции и хорошо зарабатывает.

– Вот, недавно машину купила, – хвастливо заявила Ойзода. – Через неделю снова уезжаю, теперь буду копить на квартиру.

Шаходатхон завистливо молчала, не зная, что сказать.

– Сама как живешь?– спросила Ойзода. – Вижу, замуж вышла, ребенок у тебя…

– Развелись мы, у родителей живу, отец болеет, деньги нужны…

– Приезжай в Турцию, я тебя устрою на хорошую работу, поднимешься…

– Спасибо, подруга.

Ойзода чиркнула на клочке бумаги номер телефона.

– Будешь в Турции, звони, помогу.

Она села за руль своего автомобиля и, поднимая клубы пыли, уехала.

Мысль о том, что надо ехать в Турцию на заработки, не оставляла Шаходатхон. «Где взять деньги, с кем оставить ребенка? Мать уже не сможет его воспитывать – сама еле на ногах держится, и еще больной отец», – размышляла она.

Не сразу, постепенно Шаходатхон стали посещать мысли о том, где взять деньги на поездку в Турцию и на лечение отца. «Продам сына хорошим людям, они его воспитают, дадут образование, а со мной он всю жизнь будет жить в нищете», – думала женщина.

Скоро она свыклась с этой, по ее мнению, единственно правильной мыслью.

Шаходатхон стала искать покупателей. Сообщение о том, что жительница Шахриханского района ищет покупателей на годовалого младенца в Алтынкульском районе, поступило в РОВД.

Оперативники приняли решение задержать женщину в момент продажи ребенка. Помогла им в этом женщина из Алтынкульского района, Умида М. Они встретились, долго обсуждали детали купли-продажи. Шаходатхон «оценила» своего ребенка в 10 тысяч долларов. В конце концов, стороны сошлись на 9 тысячах.

Процесс передачи денег и ребенка должен был произойти в одном из кафе на территории Алтынкульского района в назначенное время.

В момент продажи младенца Шаходатхон А. была задержана. В отношении нее было возбуждено уголовное дело по пункту «а» части 3 статьи 135 Уголовного кодекса Республики Узбекистан («Торговля людьми»). Недавно дело было передано на рассмотрение Алтынкульского районного суда по уголовным делам.

*(Имена изменены из этических соображений.)*

**Шохрух МИРЗАЖОНОВ,**
**майор.**

ОСТОРОЖНО: МОШЕННИКИ!

# СОВРЕМЕННЫЕ УЛОВКИ И КАК ОТ НИХ ЗАЩИТИТЬСЯ

**Каждый день мошенники изобретают все новые способы, чтобы вытянуть информацию о вашем банковском счете и мгновенно его опустошить. Поэтому, путешествуя по Всемирной паутине, ни в коем случае нельзя терять бдительность.**

**Ниже мы расскажем о самых распространенных способах «залезть к вам в карман» и о том, как защититься от мошенников**



## Покупка в интернете

Предположим, вы обратили внимание на яркую рекламу о продаже крутого смартфона со скидкой 50%, а то и все 90%. Переходите на сайт, а там вас просят оставить свои контактные данные. Через минуту с вами связывается девушка и приятным голосом говорит, что товар последний, аукционный и нужна 100%-ная предоплата.

Во-первых, вы не получите то, за что заплатили, – в лучшем случае пришлют подделку. Во-вторых, с вашего счета мгновенно спишется сумма, которая «улетит» в неизвестном направлении.

**Как защититься:**

– покупайте товары или услуги только на сайтах производителей, официальных торговых представителей;

– помните, что определенная вещь или услуга не могут стоить дешевле, чем у производителя. Если же, например, телефон, который вы давно хотели приобрести, стоит в 2–3 раза дешевле, чем на официальном сайте, будьте уверены: вас хотят обмануть.

## Благотворительность

Давать деньги на благие дела сейчас стало популярно, и аферисты тут как тут. Этот вид мошенничества встречается, прежде всего, в социальных сетях. При этом, если вы пройдете по указанным ссылкам, откроются сайты, на которых описываются вполне реальные случаи, взятые из баз данных благотворительных фондов и гуманитарных организаций. Получается, что люди, которым необходима помощь, вполне реальные, только счета для перечисления средств мошенники указывают свои.

**Как защититься:**

– помните, что благотворительные сборы не осуществляются при помощи личных или безымянных счетов;

– банковский счет всегда имеет банковские реквизиты;

– что касается сбора денег частными лицами, тут обычно может помочь лишь общение. Часто даже короткий разговор позволяет понять реальные намерения.

## Продажа в интернете

В этом случае легче всего надуть тех, кто выступает в роли продавца.

Скажем, вы пытаетесь продать смартфон, чтобы купить модель новее. Для этого размещаете объявление, и буквально в тот же день к вам стучится «персонаж», который сообщает, что готов купить телефон. Вот только беда: деньги у него на пластиковой карте. Мошенник просит данные вашей карты, а через какое-то время со счета уплывают все деньги.

**Как защититься:**

– никогда не давайте свои данные чужим;

– с покупателем, как и с продавцом, встречайтесь лично, лицом к лицу. Если вам предложили бесконтактную продажу – это тревожный знак.

## Поддельные товары

Риск купить подделку известного товара, особенно если речь идет об интернет-магазине, очень велик. Первое, что должно насторожить, – это цена, которая намного ниже той, что предлагают производители и официальные дилеры, даже если речь идет о невероятной скидке.

Однако мошенники научились маскировать поддельный товар ценами, аналогичными оригинальному, поэтому стоит внимательнее присматриваться к фотографиям и описаниям товаров, предложенных на сайте.

**Как защититься:**

– обращайте внимание на стоимость товара – она должна быть примерно такой же, как у производителя или дилера;

– покупайте товары только на проверенных сайтах;

– при получении товара внимательно осмотрите его и сравните с фотографиями на официальном сайте производителя.

**Подготовлено по материалам интернета.**

И в шутку...

# ВЛЮБИЛСЯ В 50

Станция метро «Дустлик». Как всегда, стою в очереди за жетоном. Народу очень много, но беспорядка нет. Все тихо-мирно выстроились в один ряд и медленно двигаются. Но, нет, лихачи нашлись – хотели без очереди пролезть к окошку. Женщины начали шуметь, чтобы они встали в очередь. Не слушают, как будто не к ним обращаются!

И тут у одной очень-очень красивой девушки лопнуло терпение. Она вышла из очереди и громким голосом сказала:

– Уважаемые, если среди нас есть инвалиды, люди с грудным ребенком и беременные, пожалуйста, проходите без очереди, оказывается, можно… – и показала на мужиков, которые пытались пролезть без очереди. Потом молча заняла свое место.

Мужчины тихо и позорно отошли назад.

… А я влюбился. Безответно.

**Эркин САТТАРОВ.**



РАЗМЫШЛЕНИЯ О ЖИЗНИ

# Если не сейчас, то когда?



**Мы ожидаем, что жизнь станет лучше, когда нам исполнится 18 лет, когда мы поженимся, получим лучшее место работы, когда у нас появится ребенок, второй…**

Потом мы себя чувствуем уставшими, так как наши дети растут медленно, и думаем, что когда они вырастут, почувствуем себя счастливыми. Когда они становятся более самостоятельными и у них начинается переходный возраст, мы жалуемся, что с ними тяжело ладить, и когда они пройдут этот период, станет легче.

Потом говорим, что наша жизнь станет лучше, когда мы, наконец, купим дом побольше и машину получше, сможем пойти в отпуск, выйдем на пенсию.

Правда в том, что лучшего момента почувствовать себя счастливыми не существует. Если не сейчас, то когда?

Кажется, жизнь вот-вот начнется, настоящая жизнь! Но всегда на пути существует одна проблема, одно незаконченное дело, один непогашенный долг, которые нуждаются в первостепенном решении, и вот после этого жизнь начнется. И если мы присмотримся, то увидим, что эти проблемы бесконечны. Из них, собственно, и состоит жизнь.

Это помогает нам увидеть, что пути к счастью нет, счастье – это и есть путь. Мы должны ценить каждый момент, особенно когда делим его с кем-то дорогим, и помнить, что время не ждет никого.

Не ждите, когда окончится школа или начнется колледж, когда вы похудеете на пять килограммов, когда у вас появятся дети, потом они пойдут в школу, женятся. Не ждите нового года, весны, осени или зимы, следующей пятницы, субботы или воскресенья. Счастье – это путь, а не судьба.

Работайте так, будто вы не нуждаетесь в деньгах, любите так, будто вас никогда не ранили, танцуйте так, будто вас никто не видит.

# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

## (с 27 января по 2 февраля)



**Овен.** На этой неделе вы способны добиться многого. Можете рассчитывать на премию или даже повышение. Если в окружении появятся завистники, сохраняйте хладнокровие – они вам не страшны. В семейных отношениях воцарится мир.



**Телец.** Хорошее время, чтобы влюбиться, а также возобновить старые чувства. Чтобы избежать возможных конфликтов, постарайтесь не вступать в словесные перепалки. Неделя благоприятна для Тельцов, чья деятельность связана с выступлениями. В этот период им будет проще завоевать симпатии публики.



**Близнецы.** Тщательно следите за своим здоровьем. Умственное и физическое перенапряжение могут привести к истощению. Будет много хорошей выгодной работы. Омрачить ситуацию могут внезапные изменения на месте трудовой деятельности. Старайтесь сохранять благоразумие.



**Рак.** Можете обрести новые знакомства, завязать контакты как личного, так и делового характера, вступить в новые отношения, причем произойти это может абсолютно спонтанно. Омрачить настроение могут двусмысленные, неясные обстоятельства, связанные с партнером.



**Лев.** Хорошее время для улучшения материального положения и обучения новым профессиям, особенно в сфере искусств. Удачными могут стать деловые поездки за рубеж. Во второй половине недели потребуются здравомыслие и осторожность в финансовых делах и работе с техникой. Можете организовать рекламные акции и массовые мероприятия.



**Дева.** Рекомендуется сосредоточиться на вопросах карьеры, работы, социальной реализации. Некоторые из вас могут рассчитывать на продвижение по службе и хороший доход. Возможно, вам придется взаимодействовать с государственными ведомствами. Не исключена поддержка руководителей, старших по должности лиц.



**Весы.** Ваша интуиция стала острее, благодаря чему вы можете решить большинство вопросов. Это благоприятное время для поиска новых друзей и укрепления старых дружеских связей. Не пренебрегайте помощью близких, не конфликтуйте – велик риск споров и стычек.



**Скорпион.** Период благоприятен для творческой активности, дальних путешествий. Возможно, вам захочется чаще бывать в уединении. Не исключены и вынужденные обстоятельства, с которыми придется мириться. Позаботьтесь о здоровье.



**Стрелец.** Возникнет жажда перемен, склонность к спонтанным поступкам. Положитесь на свою интуицию и проницательность. Если возникнут проблемы, пробуйте действовать нестандартно и изобретательно. Время благоприятно для научной, творческой, спортивной деятельности и путешествий. Будьте осторожны – чрезмерная активность может привести к травматизму.



**Козерог.** Сколько можно работать? Учитесь распределять время и отдыхайте хотя бы вечерами. В профессиональной сфере возможны положительные перемены. Личная жизнь стабильна, даже скучна, но кое-что интересное все же произойдет. К выходным накопятся домашние заботы, которые без вас не решить.



**Водолей.** Неделя начнется с позитивных моментов. Вы сумеете наладить полезные контакты и обзавестись солидными связями. Но в этот период нежелательно брать кредиты и вкладывать деньги в рискованные предприятия. Можете завязать новые знакомства или отправиться за город с друзьями.



**Рыбы.** Неделя принесет приятные и позитивные моменты. Вы получите много интересных и перспективных предложений творческого характера. Появится желание хорошо отдохнуть, в этом вам помогут верные друзья. В выходные можно запланировать романтическое свидание.

**Никому не отвечай, когда ты зол; ничего не обещай, когда ты счастлив; никогда не решай, когда ты грустен.**

Восточная мудрость.

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

# БАЛИҚ ОВИ



**Дам олиш кунлари оилавий ёки дўстлар билан бирга овга чиқиш қандай мароқли. Шу сабабли, ов ишқибозлари ҳар қандай об-ҳавода ҳам севимли машғулотларидан воз кечмайди. Айниқса, балиқ овловчилар...**

Балиқ овининг бир қанча турлари бор. Масалан, пўкакли, доночли, карпли (карп-фишинг), фидерли, спиннинг, троллинг ва ҳоказо. Эндигина балиқ овлашни бошлаганлар пўкакли қармоқдан фойдаланганлари маъқул. Чунки унга ҳар қандай турдаги балиқ илиниши мумкин. Қолаверса, балиқ овининг бу тури жуда оддий бўлиб, кишига завқ беради. Шу боис узоқ йиллардан бери балиқ овлаш билан шуғулланганлар ҳам пўкакли қармоқдан воз кеча олишмайди.

Балиқ овига чиққан ишқибозлар қармоққа ўлжа илинавермаса, хуноб бўлади. Аммо руҳшунослар фикрича, балиқ ови, аввало, ҳордиқ. Соҳил бўйида сувга қармоқ ташлаб ўтириш одамга яхши кайфият бағишлайди, дилидаги ғуборларни ёзади.

Овчилар айтишадики, балиқ овига отланганда, ўзингиз билан ҳеч қандай балиқ ва балиқ маҳсулотларини олманг, акс ҳолда, балиқни дўкондан харид қилишингизга тўғри келади.

Унинг сифати бузилмаслиги учун музлаткичда ёки муз солинган идишларда сақланиши шарт. Агар балиқнинг қилтаноғи камроқ бўлсин, десангиз, каттасини танланг.

Шифокорлар витамин ва минералларга бой ушбу маҳсулотни йил давомида 6–8 килограмм истеъмол қилишни тавсия этади. Демак, балиқ маҳсулотларини кўп етиштириш, қайта ишлаш ва аҳоли ўртасида истеъмолини кўпайтириш миллионлаб кишилар саломатлигини яхшилашга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юрак-қон томир касалликларида, қонда холестерин даражаси кўтарилганда, камқонлик, беҳоллик ва жисмоний зўриқишда, невроз, тери касалликлари, подагра, ревматизмда, кўриш қобилияти сустлашганда парҳезбоп гўшт сифатида айнан балиқ кони фойдадир. Болалар балиқдан тайёрланган таомларни истеъмол қилиши натижасида кариес, соч тўкилиши, бўқоқ дардларидан форип бўлади.

Биласизми, ов қилишда ҳам қонун-қоидалар бор, уларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

**Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**










## Хандалар

Балиқ овлаб ўтирган одамнинг олдига тимсоҳ сузиб келиб сўрабди:

– Ов қалай бўляпти, илиняптими?

– Ҳа, йўқ. Эрталабдан бери ўтирибман, битта ҳам ушлолмадим, омадим келмаяпти, шекилли.

– Кун ҳам қизиб кетди, балки бир чўмилиб оларсан-а.

* * *

Икки овчи ўрмонда ов қилиб, ўқлари тугаб, уйга қайтаётса, йўлдан бир шер чиқиб қолибди. Шунда улар дарахтга чиқиб олишибди. Бири иккинчисига:

– Мен китобда ўқиганман, шер дарахтга чиқа олмайди, – дебди хотиржам.

Аммо пастга қарашса, шер аста-секин дарахтга чиқа бошлабди.

– Ия, қара, ахир, у ортимиздан чиқяпти-ку, – дебди дағ-дағ қалтираб.

– Менимча, бу шер ўша китобни ўқимаган бўлса керак.

* * *

– Алло, доктор, эрим телба бўлиб қолганга ўхшайди.

– Нима сабабдан, қани тушунтиринг-чи?

– У ваннага сув тўлдириб унга қармоқ ташлаб балиқ овлаяпти.

– Шартта қўлидан қармоқни олиб қўйинг, тамом-вассалом.

– Ҳо-о, ахир, менинг ҳам балиқ егим келяпти-да!

ЭЪЛОН! * * * ЭЪЛОН! * * * ЭЪЛОН! * * * ЭЪЛОН! * * * ЭЪЛОН!

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ фахрийларининг жамоат бирлашмаси тугатилмоқда. Шу муносабат билан ариза ва даъволар 1 (бир) ой муддатда қабул қилинади.**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва республика тиббиёт олий таълим муассасаларини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (доимий яшаш манзили бошқа вилоятларда бўлишидан қатъи назар) Навоий вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд шифокорлик лавозимларига ишга таклиф қиламиз.

Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади ҳамда танловсиз ишга қабул қилинади:

– маълумоти олий, тиббиёт тизими бўйича мутахассисликка эга бўлиши;

– 35 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

– муддатли ҳарбий (сафарбарлик чақируви резерви – 1 ойлик) хизматни ўтаган фуқаролар ёки захирадаги офицер бўлиши;

– бўйи 165 сантиметрдан паст бўлмаган эркаклар.

**Қўшимча маълумот учун телефон рақамлари:**
**79-229-53-00; 79-229-53-02**
**Манзил: Навоий шаҳар**
**Навоий кўчаси 7-уй.**
**Мўлжал: «Шодлик» савдо мажмуаси.**

**Навоий вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси.**



**Postda**
**На посту**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Inomjon RAHIMXO'JAYEV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355
9 772010 535001

Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4033.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 893 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.